

330.115(043.3)

К-35

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма хуқуқида

УДК: 330.14:330.115:31:37(575.1)

КАЮМОВА НАРГИЗА ОЗОДОВНА

ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ
ЯНГИ СИФАТ БОСҚИЧИ ЖАРАЁНЛАРИНИ
ЭКОНОМЕТРИК ТАДҚИҚОТИ

08.00.06 – Эконометрика ва статистика

Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2012



330.115(043.3)

Қ-35 Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган

Илмий маслаҳатчи: иқтисод фанлари доктори, профессор
Шодиев Турсун Шодиевич

Расмий оппонентлар: академик, иқтисод фанлари доктори, профессор
Гуломов Саидахрор Саидахмедович

иқтисод фанлари доктори, профессор
Абдуллаев Ёрқин Абдуллаевич

иқтисод фанлари доктори, профессор
Адҳамов Мухаммаджон Адҳамович

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Макроиктисодий тадқиқотлар ва
прогнозлаш институти

Диссертация 2012 йил «*В*» «*Сирия*» соат «*9*^{ee} да Тошкент давлат
иктисодиёт университети хузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий
даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.06.01 рақамли
ихтисослашган кенгаш мажлисида ҳимоя қилинади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети
кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2012 йил «*2*» *еларич* да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, иқтисод
фанлари номзоди, доцент

А. Самадов

А.Н.Самадов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда мамлакатимизда таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоклар ва ишлаб чиқариш соҳаларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлаш, иктисодиётнинг етакчи тармокларини жадал ривожлантириш учун бошқарув услублари ва механизмларини такомиллаштириш заруратга айланмокда. Шуларни ҳисобга олганда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иктисодиётидаги етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, ракобатбардошлика эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда, иктисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жихатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармокларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин»¹.

Яъни, «Барчамиз бир ҳақиқатни англаб этишимиз лозим - Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иктисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Бунинг тасдиғини ташки дунё билан алоқаларимиз тобора кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар кўмагида иктисодиёт тармокларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлаш бўйича дастурларнинг амалга оширилаётганида, Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимига интеграциялашувида, маҳсулот ва товарлар импорти ва экспортнинг ўсиб боришида ва бошка мисолларда якъол кўришимиз мумкин»². Дарҳақиқат, миллий иктисодиётни жаҳон иктисодиётининг бир бўлгаги сифатида таҳлил қилиш ҳамда жаҳон молиявий-иктисодий инқирози сабабларини аниқлаш учун бу жараёнларни яхлит тизим сифатида эътироф этиб, кўп омилли эконометрик моделлар ёрдамида мамлакатлар иктисодиётининг мазмун-моҳияти, ривожланиш тенденция ва омилларини чукур ўрганиш зарур.

Тарихий ривожланиш жараёни таҳлили шуни кўрсатадики, мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш стратегияси ва тактикасини танлаш назарий фикр ҳамда хўжалик юритиши амалиётининг асосий, шунингдек, ўта мураккаб масалалари сирасанга киради. Глобаллашув шароитида мамлакатнинг ракобатбардошлигини ошириш, иктисодий салоҳиятини юксалтириш, инновацияларни кенг жорий этиш ва шулар асосида ресурслардан окилона фойдаланиш учун ишлаб чиқариш жараёнларини иктисодий-математик усуллар ёрдамида миқдор ва сифат жихатидан чукур таҳлил этишни такозо этади.

¹ Каримов И.А. 2012 йил ватаннимиз тараккиётини янги боскичга кўтарадиган йил бўлади // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни южтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Махкамасининг мажлисидаги маъруzasи. - Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14 (5434).

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.. Ўзбекистон, 2009.– Б.11.

Чунки бошқарувни такомиллаштириш муаммоси ижтимоий ривожланишнинг кўп вариантли ва мукобиллигини эътироф этишга асосланган.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз маъруzasida: «...ўтган давр мобайнида хаётимиз сифати, мамлакатимиз қиёфаси қандай ўзгариб бораётгани, қандай ютуқ ва натижаларга эришганимиз, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётiga асосланган очик демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида қандай суръатлар билан ривожланиб бораётганимизни баҳолаш эҳтиёжи туғилмокда»³ деб таъкидлаш билан, « ...Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиласидиган аср...Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик хаёт мазмунига айланмаса – бундай давлат жаҳон тараққиёт йўлидан четда қолиб кетиши мукаррар»⁴ эканлигига ҳам эътибор қаратилган.

Замонавий, интеллектуал иқтисодиётни шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, бу жихат кўплаб омилларга боғлиқ ва уларнинг эконометрик тахлили интеллектуал иқтисодиётни оқилона бошқариш ҳамда тартиба солиш имконини беради. Эконометрик моделлаштириш ҳамда тахлил, иқтисодиёт ривожини синтез қилиш ана шундай бошқарув услублари сирасига киради. Мамлакатимизда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг фаровонлигини ошириш стратегияси»да «билимлар иқтисодиёти»ни шакллантириш, жумладан, саъй-ҳаракатларни «билимларни ишлаб чиқариш ва сотиши»га йўналтириш учун инсон капиталига инвестициялар жалб қилишни кўпайтириш зарурлиги қайд этилган⁵. Бундай маҳсулот жаҳон ва ички бозорларда янги илмий ғоялар, инновациялар, технологиялар, янги ускуналар кўрининишида намоён бўлади.

Ушбу муаммо юқори илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда, мазкур диссертацияда асосий эътибор иқтисодиётни бошқаришнинг илмий-услубий асосларини ривожлантириш, қарорлар қабул қилишда миқдор ва сифат кўраткичларини узвий боғлиқ ҳолда тахлил этиш, Ўзбекистон Республикаси шароитида анъанавий иқтисодиётдан интеллектуал иқтисодиётга ўтиш жараёнини бошқаришнинг ижтимоий-бозор механизмини ишлаб чиқишига қаратилди. Узлуксиз ривожланишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини бошқариш самарадорлигини ошириш нафакат ўзининг долзарблиги, балки иқтисодиётни диверсификациялаш ва хўжалик юритиши амалиётига ўтишнинг кўплаб назарий-услубий масалалари баҳсли хусусиятга эга эканлиги туфайли катта илмий кизиқиши уйғотади.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги кўшима мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада тукӯрлантириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маъруzasи. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 56.

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конститушияси қабул қилинганининг 17 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги «Ўзбекистон Конститушияси - биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойdevordir». мавзусидаги маъруzasи. -Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь, № 194 (4857).

⁵ Стратегия повышения уровня благосостояния населения Республики Узбекистан. Аналитический доклад. Опубликовано: The Government of Uzbekistan/UNDP/World Bank/ADB. 27 август, 2007 г.

Мазкур ишнинг ўзига хос муҳим хусусияти шундаки, унда иқтисодий ривожланишнинг янги сифат босқичини шакллантириш муаммоси унинг ўсиш сифатини ошириш ва бошқарув механизмини такомиллаштиришнинг концептуал масалалари билан боғлашга эътибор қаратилди.

Бу моделлар Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожланиши замонавий муаммоларини таҳлил килиш ва ўз навбатида, билим ишлаб чиқарувчи ва билимдан фойдаланувчи секторлар оптималь ривожланишини белгилашнинг янги жиҳатларини ифода этишга имкон яратади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий иқтисодий ривожланиш назарияси ва амалиётини ишлаб чиқишга мамлакатимиз олимлари М. Шарифхўжаев, А. Ўлмасов⁶ кабилар катта ҳисса қўшди. Иқтисодий тадқиқотлар маркази олимлари БМТ доирасида Ўзбекистонда билимлар иқтисодиётини барпо этиш ахволи ва даражасини илмий жиҳатдан баҳолашга ҳаракат килиши. С.С. Гуломов, Б.А. Бегалов⁷, Т.Ш. Шодиев⁸, Б.Ю. Ходиев⁹, Ю.К. Мухамедов¹⁰, А.Н. Арипов¹¹, С.В. Чепель¹² ва бошқалар томонидан иқтисодий жараёнларни эконометрик таҳлил қилишнинг услубий жиҳатлари тадқик этилган.

Россиялик ҳамда узоқ хорижий давлатлар олимларидан Л. Абалкин¹³, П. Друкер¹⁴, М. Порттер¹⁵, Р. Солоу¹⁶, Дж. Стиглиц¹⁷ ва бошқалар замонавий иқтисодий назария ҳамда эконометрика фанини ишлаб чиқиша салмокли ҳисса қўшдилар.

Уларнинг иқтисодий ривожланиш янги сифат босқичларини шакллантириш жараёнини ўрганиш бўйича услубий ёндашувлари, инновацион, стратегик ва тизимли эконометрик моделлар асосида иқтисодиётни бошқариш ўтишнинг назарий ҳамда амалий жиҳатдан асослашлари алоҳида илмий қизиқиши уйготади. Бундай жиддий илмий-амалий материални ўрганиш тадқиқот мавзусининг илмий адабиётда етарлича ўз ифодасини топмаган жиҳатларини аниклаш имконини берди. Хусусан, иқтисодий ўсиш сифатини ошириш мақсадида иқтисодий ривожланишнинг янги сифат босқичини кандай

⁶ Шарифхўжаев М., Ўлмасов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 267 б.

⁷ Гуломов С., Бегалов Б. Иқтисодий информатика. – Т.: ТДИУ, 2010. – 587 б.

⁸ Шодиев Т., Аззамов С. Интернет тизими имкониятлари ва муаммолари. – Т.: Фан ва технология, 2006.

– 253 б.

⁹ Абдуллаев А., Ходиев Б., Ишназаров А. Эконометрика. – Т.: ТГЭУ, 2007. – 612 с.

¹⁰ Мухамедов Ю. Баркарор ижтимоий-иқтисодий ўсиш омилилари ва эконометрик моделлари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ТДИУ, 2008. – 504 б.

¹¹ Арипов А. Ахборот-коимуникация технологиялари соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммолари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2004. – 24 б.

¹² Чепель С.В. Роль институционального фактора в обеспечении условий перехода к инновационной модели экономического развития. // Стратегии модернизации и обеспечения долгосрочного устойчивого экономического роста. – Т.: SMI - ASIA, 2011. – С. 5-9.

¹³ Абалкин Л.И., Абрамова М.А., Алексеев А.И. Национальная экономика. – М.: Экономистъ, 2007. – 864 с.

¹⁴ Drucker P. Beyond the Information Revolution // The Atlantic Monthly, October 1999. – Vol. 284. – № 4.

¹⁵ Порттер М. Конкурентная стратегия: методика анализа отраслей и конкурентов / Пер. с англ. И.Минервина; 2-е изд. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2006. – 452 с.

¹⁶ Р. Солоу «Экономика ресурсов и ресурсы экономики» (The Economic of Resources and the Resources of Economics, 1974). povetptize.org

¹⁷ Стиглиц Дж., Эллерман Д. Макро и микрэкономические стратегии для России. – М.: Промо-Медиа, 2000. – 448 с

шакллантириш ва унинг самарали кўлланишини қандай таъминлаш керак, деган мухим масала бўйича маҳсус тадқиқотлар ҳамда нашрлар етарли эмас. Билимлар иктисодиёти шаклланниш даражаси, статистик кўрсаткичлари ва омиллари, сифати ва миқдорий таҳлил услубларини бирлаштириш орқали таҳлил этиш, эконометрик прогнозлаш етарли даражада тадқиқ этилмаган. Бу муаммо ҳам тадқиқотчи олимлар ёзтибордан четда колган.

Диссертация ишининг илмий - тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иктисодиёт университетининг Ўзбекистон Республикаси Давлат илмий-техника дастури доирасида «Иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иктисодий ривожллантиришнинг илмий асослари» йўналиши бўйича амалга оширилди.

Тадқиқот мақсади: Иктисодий ривожланишнинг янги сифат даражасини баҳолашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш ва эконометрик тадқиқ этиш орқали миллий иктисодиётнинг инновацион тараққиётини таъминлашга йўналтирилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чикишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- иктисодий ўсиш» ва «иктисодий ривожланиш» илмий категорияларининг таърифи ва белгиларини танқидий таҳлил этиш тараққиётнинг сифат кўрсаткичи параметрлари ҳамда омилларини асослаш;

- бозор иктисодиёти ривожланиш суръатларини баҳолашда «омилларнинг умумий самарадорлиги» категориясини илмий мумалага киритиш ва Ўзбекистон Республикаси миллий иктисодиётida унинг даражаси ва ривожланиш тенденцияларини аниқлашнинг эконометрик моделини таклиф этиш;

- Ўзбекистон Республикасида иктисодий ривожланишнинг янги сифат босқичини шакллантириш жараёнлари, шартлари ва оқибатларининг илмий-назарий асосларини, ютуқ ва натижаларини танқидий жихатдан тадқиқ этиш;

- замонавий иктисодий ривожланишнинг умумий иктисодий категория сифатидаги мухим белгиларини аниқлаш ва улар ўртасида ижтимоий-иктисодий ривожланиш устуворликларини хисобга олувчи ўзаро боғлиқликни ётироф этиш;

- анъанавий иктисодиётдан иктисодий ривожланишнинг янги сифат босқичига ўтиш тенденцияларини аниқлаш, таркибий қисмлари, омиллари ва статистик кўрсаткичлари ҳамда бошқариш механизmlарини тизимли тарзда эконометрик тадқиқ этиш;

- инновацияларни жадаллаштириш мақсадида турли бошқарув даражаларида (миллий иктисодиёт, тармоқлар, корхоналар) республикамида иктисодий ривожланишнинг янги сифат босқичини шакллантириш даражасини акс эттирувчи инновацион жараёнларнинг эконометрик моделларини тузиш, уларни таҳлил этиш ва баҳолаш услубиётини асослаш;

- миллий иктисодиётнинг янги сифат босқичида ишлаб чиқариш омиларининг тадрижий ривожланиши ва интеллектуал иктисодиёт шаклланишида

билимлар мухим омил ҳамда тижорат товарига айланиш жараёнларини эконометрик моделлар ёрдамида тахлил этиш;

– Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ривожланишнинг янги сифат боскичи жараёнларининг бир ва кўп омилли математик моделларини тузиш, шакллантириши индексини ўлчаш ва мамлакатларо қиёсий тақкослаш;

– иқтисодий ривожланишнинг янги сифат боскичи элементлари ва омилларини тизимли тахлил этишнинг адаптив эконометрик моделлари ва услуга биётини асослаш ҳамда «Ўзкимёсаноат» тармоги корхоналари мисолида тадқиқ этиш;

– интеллектуал иқтисодиётни шакллантиришда илмий-техник тараққиёт ва инновацияларни бошқариш, илм-фан, университетлар ва бизнесни синтез килиш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш;

– аҳоли билим даражаси ва кўнгумларини иқтисодиётнинг жиддий омили сифатида белгилаш ва «гоя»лар ишлаб чикиб, таклиф этиш функцияларини компьютерда хисоблаш ҳамда амалийётда кўллаш;

– инновацияларга асосланган иқтисодиётни шакллантириш ва ривожланитириш институтлари, давлат ҳамда кичик тадбиркорлик шерикчилигидан самарали фойдаланиш орқали иқтисодий ўсиш сифатини рағбатлантириш механизmlари зарурлиги ва мақсадга мувоғикигини асослаш;

– миллий иқтисодиёт ўсиш сифатини рағбатлантиришнинг асосий механизmlарини тубдан яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ва иқтисодий ривожланишнинг янги илмий тадқиқот ва инновацияларга асосланган сифат боскичини бошқаришнинг давлат дастури зарурлигини асослаш ва уни ишлаб чикиш учун таклифлар бериш;

– миллий иқтисодиётни интенсив омиллар асосида барқарор ривожланишишнинг истиқболдаги сценарийларини ишлаб чикиш.

Тадқиқот обьекти ва предмети. Тадқиқот обьекти сифатида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти, уни интеллектуал иқтисодиёт сари йўналтириш омиллари ва манбалари хисобланади.

Интеллектуал иқтисодиётни шакллантириш ва уни кўллаш жараёни, иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг самарали мақбул қарорларини қабул килиш механизми тадқиқот предмети хисобланади.

Тадқиқот усуслари. Тадқиқот жараёнида тизимли тахлил, иқтисодий-математик усул, статистик гурухлаш, таққослаш, эконометрик моделлаштириш, корреляцион-регрессион тахлил, иқтисодий индекслар каби усуслардан фойдаланилди.

Тадқиқот гипотезаси. Ўзбекистон янги аср бошида иқтисодий ривожланишнинг янги сифат боскичи жараёнига кирди. Бу боскич иқтисодиётни монернизациялаш, ишлаб чиқаришга инновацияларни кенг жорий этиш кўламида, ишчи кучида сифат ўзгаришларига эришиш, иқтисодий фаолиятни тобора либераллаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини бошқарувда кўллаш билан характерланади. Янги боскичда интеллектуал иқтисодиётни шакллантириш ва фаолият кўрсатиши таъминланишига эришиш Ўзбекистон Республикаси XXI асрда ҳал этиши лозим бўлган асосий муаммолардан бири хисобланади. Бу вазифани ҳал этиш нафқат табиий ресурслар заҳирасига бой,

балки улардан самарали фойдаланиш бўйича ривожланган мамлакатга айланиш имконини беради. Бу эса, миллий иқтисодиётимизга самарали менежмент тизимини жорий этиш, турмуш сифатини ошириш, жаҳон хомашё, технологик ва озик-овқат бозорлари конъюнктурасига боғликликдан халос бўлишга, баъзан юз берадиган жаҳон молиявий инкирози таъсиридан холи бўлишга имкон яратади.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ривожланиш суръатларини ўлчаш ва баҳолашнинг назарий-услубий методологияси;
- замонавий иқтисодий ривожланиш сифати таркибий қисмларининг тузилмавий таркиби ва ҳаёт сифатини баҳолаш индикаторлари;
- Ўзбекистонда инновацион йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш модели;
- саноат корхоналарининг инновацион фаоллигини индикаторлар тизими асосида баҳолаш услуби ва уни амалга ошириш боскичлари;
- интеллектуал иқтисодиётнинг шаклланниш жараёнлари ва кўрсаткичларининг эконометрик моделлар тизими;
- иқтисодий фаолиятни интеллектуаллаштиришнинг кўрсаткичлари гуруҳи ҳамда унинг даражасини ўлчаш услуби;
- таклиф килинаётган билимларга асосланган иқтисодий ўсиш моделлари.

Ишнинг илмий янгилиги. Республикамиз иқтисодиётини модернизациялаш, диверсификациялаш ва тараққий эттиришнинг янги сифат даражасига эришиш учун билимлар иқтисодиётини шакллантириш жараёнларини самарали бошқаришга доир илмий гоялар мажмуаси, асосий услублар ҳамда эконометрик моделлари ишлаб чиқилди. Жумладан:

– кам тадқиқ этилган ва баҳсли тортишувларга сабабчи бўлган замонавий «иктисодий ўсиш» ва «иктисодий ривожланиш» тушунчалари сиёсий-иктисодий категория сифатида аниклаштирилди ва унинг моҳияти тўлдирилди. Иқтисодий фаолиятни интеллектуаллаштириш тенденцияси замонавий иқтисодий ривожланиш сифатининг умумлаштирувчи белгиси эканлиги ва «билимлар» ресурсидан фойдаланишга асосланган мультиплікатив самара олиниши ҳамда уларнинг маржинал ҳаражати нолга тенглиги исботланди;

– Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг ҳусусияти ва ютукларини ҳамда сифат боскичи жараёнларини акс эттирувчи адаптив эконометрик моделлар тизими яратилди. Бу моделларда ривожланишнинг микдор ва сифат параметрлари тахлил этилган ва улар ёрдамида миллий иқтисодиётдаги билим ишлаб чиқарувчи ва билимлардан фойдаланувчи секторларнинг мутаносиб ривожланиши, шарт-шароитлари, инновацион тараққиёт имкониятлари тадқиқ этилган;

– эконометрик моделлар асосида миллий иқтисодиётнинг жорий ҳолатини илмталаб инновацион ҳўжалик юритиш тизимига йўналтириш мақсадида «омилларнинг умумий самарадорлиги» тушунчаси илмий доирага киритилди ва республикамиздаги иқтисодий ривожланишнинг сифат даражасининг 1986-2009 йиллардаги динамикаси аникланди. Натижаларга кўра республикамиз иқтисодиётидаги сифат боскичи 2005 йиллардан бошланган;

– билимлар иқтисодиётини шакллантиришни тақозо этадиган асосий омилларнинг хусусияти ҳамда ривожланишидан келиб чиқкан ҳолда, инновацион тараккӣётнинг йўналишлари (иктисодий бошкарув ва бизнес мухит, асосий капитални инновацион янгилаш, ахборот-коммуникация технологиялари, интеллектуал салоҳият) белгиланди. Моделларда бу омилларнинг ривожланишга «мутлақ» ва «нисбий» таъсири аникланган;

– иқтисодий муносабатларнинг янги механизмларини (давлат-бизнес кооперацияси, бизнес мухитининг яхшиланиши, инновация тизимини рағбатлантириш, ишчи кучи сифатига эътибор қаратиш) шакллантириш жорий иқтисодиётни интеллектуал ривожланиш моделига ўзгартиришда ҳал килувчи омил бўйиб хизмат қилишини исботловчи илмий гоялар мажмуаси асослаб берилди;

– билимлар иқтисодиётини шакллантиришнинг эконометрик моделлари негизида устувор тармоклар ривожидаги стратегик йўналишлар ва асосий омиллар аникланди, республикамиз кимёсаноат корхоналари иқтисодиётини интеллектуаллаштириш бўйича эришилган даража баҳоланди, уларда инновация тизимини рағбатлантириш механизми таклиф этилди;

– иқтисодиётни ахборот-коммуникация технологиялари ва Интернетдан фойдаланиш асосида бошқариш афзалликларининг иқтисодий самараси исботланди ҳамда келгусида интеллектуал иқтисодиётни тартиблаштириш истиқболлари белгиланди;

– ишчи кучининг таълим даражаси ва унинг республикада билимлар иқтисодиётини шакллантиришга таъсирини баҳолашнинг статистик кўрсаткичлари, математик-статистик услублари ишлаб чикилди ва ижобий тенденциялари аникланди;

– иқтисодий ривожланиш даражаси ва сифатини ошириш мақсадида интеллектуал иқтисодиётни инновацион ёндашув асосида бошқаришга доир услублар, прогноз сценарийси ва амалий таклифлар асослаб берилди;

– билимлар мультипликатори тушунчаси илмий муомалага киритилди, у иқтисодиётни интеллектуаллаштириш билан генетик белгилangan ва кўшимча қиймат ишлаб чиқаришда билимлардан кўп марта фойдаланишда кўлланилиши асослаб берилди ва ресурслар кайтимининг пасайиши конуни трансформацияси амалда исботланди. Бу кўргина микро ва макро иқтисодий назариялар қайта кўриб чиқилишини тақозо этади;

– эконометрик моделлар тизими негизида миллий иқтисодиётнинг 2015 йилларгача асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ҳамда иқтисодий ўсишнинг сифат устуворликлари белгиланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Эконометрик таҳдилнинг замонавий услубарини ривожланириш, миллий иқтисодиёт ўсиши ва рақобатбардошлиги сифатини ошириш механизмини асослашдан иборат. Илмий иш муаллифи томонидан билимларга асосланган иқтисодиётнинг эконометрик моделлари, иқтисодий ўшиш ва хўжалик юритиш амалиётини шакллантириш ҳамда кўллаш, миллий иқтисодиётнинг ривожланиш сифатини рағбатлантиришга оид асосий механизмлар бўйича таърифланган услубий ва назарий қоидалар Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожланириш

стратегиясининг иқтисодий-математик услубларини таомиллаштиришга хизмат киласди.

Тадқиқотнинг асосий хулосалари ва таклифлари иқтисодиётни диверсификациялаш, таркибий-технологик модернизация қилишни жадаллаштириш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози тъсиридан ҳимоялаш ва уни ижтимоий йўналтиришни қучайтиришга каратилган самарали макроиқтисодий механизми ташкил этишга ёрдам беради ҳамда республикада эконометрик тадқиқотлар кўламини кенгайтириш ва ривожлантиришга олиб келади.

Диссертация натижаларидан бошқарув тузилмалари, илмий тадқиқот муассасалари ва жамоат ташкилотларининг иқтисодий ривожланиш сифатини ошириш механизмларини ишлаб чиқища ва шу асосда баркарор ривожланиш стратегияларини асослашда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий этилиши. Диссертаянинг асосий илмий тақлифлари ва тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (2011 йил 25 августдаги 2-1/20-2271-сонли далолатномаси) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (2010 йил 10 февралдаги 11/Аш-06-314 -сонли далолатномаси), «Ўзпахтамаш» ОАЖ (2010 йил 3 февралдаги 007/100-сонли далолатномаси), «Максам-Чирчик» ОАЖларининг (30-2/98-сонли 2011 йил 21 июндаги далолатномаси) амалий фаолиятида, Тошкент давлат аграр университети «Иқтисодий назария ва ахборот технологиялари асослари» кафедраси ўкув жарабёнида фойдаланиш учун кабул қилинган.

Илмий ишда баён этилган билимлар иқтисодиётини шакллантириш ва ўсиш суръати сифатини рағбатлантиришнинг ижтимоий-бозор механизми самарадорлигини оширишга доир назарий коидалар ҳамда амалий тавсиялар олий ўкув юртларининг иқтисодиёт факультетлари ўқитувчилари, талабалари ва бизнес-мактаб тингловчилари учун «Эконометрика», «Иқтисодий-математик усууллар ва моделлар», «Макроиқтисодиёт» сингари фанларни ўқитища илмий манба бўлиб хизмат киласди.

Ишнинг синондан ўтиши. Илмий ишдаги асосий назарий коидалар ва аниқ тавсиялар «Теоретические основы формирования интеллектуальной экономики и рациональное использование ресурсов» (Фаргона, 2008); «Хорижий инвесторларни жалб этиш ва уларни ахборот билан таъминлаш йўллари» (Тошкент, 2008); «Тенденции развития международных финансовых институтов» (Тошкент, 2008); «Международный опыт финансирования образования» (Тошкент, 2009); «Компоненты экономики знаний» (Тошкент, 2009); «Экономика знаний как социальный фактор человеческого потенциала» (Москва, 2009); «Превращение научных идей и знаний в коммерческий товар» (Westminster, 2009); «Эркин иқтисодий худудларнинг макроиқтисодиётдаги аҳамияти» (Тошкент, 2009); «Теоретические основы формирования интеллектуальной экономики в Узбекистане» (Тошкент, 2009); «Ўзбекистонда билимларга асосланган иқтисодиётни шакллантириш жарабёнини эконометрик тадқиқоти» (Тошкент, 2009); «Превращение знания в общественный товар и вопросы регулирования интеллектуальной собственности» (Москва, 2010); «Ёшлиарни ижтимоий ҳимоялашда иқтисодий билимларнинг аҳамияти» (Тошкент, 2010); «Глобаллашув жарабёнида билимларнинг аҳамияти» (Тошкент,

2011); «Таълим ва интеллектуал салоҳият» (Тошкент, 2011) каби ҳалкаро ва республика илмий ва амалий анжуманларида маъруза қилинган ва маъкулланган.

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Эконометрика» кафедраси, Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги Д.067.06.01 ракамли ихтисослашган кенгашнинг «Эконометрика ва статистика» йўналиши бўйича, Тошкент давлат аграр университети «Иқтисодий назария ва ахборот технологиялари асослари» ҳамда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Математика ва информацион технологиялар институти «Ахборот-аналитик тизимлар» ва «Мураккаб жараёнларни моделлаштириш» лабораторияларининг бирлашган илмий семинарларида муҳокама қилинган ва химояга тавсия этилган.

Натижаларнинг зълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий натижалари иккита монография, 36 та илмий мақола ҳамда 12 та маъруза тезислари шаклида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Илмий иш тузилмаси кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг ҳажми 317 бетдан иборат.

Диссертациянинг кириш қисмida ўрганилаётган мавзунинг долзарблиги, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг максади ва вазифалари, тадқиқотнинг предмети, обьекти, тадқиқот усуслари, маълумот манбалари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Иқтисодий ривожланиш жараёнларида янги сифат босқичининг назарий асослари» деб номланиб, унда замонавий иқтисодий ўсишнинг сифат категорияси, иқтисодий ўсиш назарияларининг эволюцияси ва интеллектуал иқтисодиётнинг ривожланиш хусусиятлари, барқарор иқтисодий ўсиш-интеллектуал иқтисодиётни шакллантиришнинг асосий максади, иқтисодий ривожланиш янги босқичининг асосий белгилари, ресурслар кайтимининг пасайиши ва мукобил харажатларни ошиш конунининг трансформацияси баён этилган.

Иккинчи боб «Иқтисодий ўсиш сифат кўрсаткичларининг эконометрик таҳлили» деб номланган ва унда замонавий иқтисодий ўсишнинг сифат кўрсаткичларининг эконометрик таҳлили, интеллектуал иқтисодиёт шаклланишидаги омиллар ва тамоиллар, билимларга асосланган иқтисодиётни тизим тарзида таҳлил этишнинг услубиёти, иқтисодий ўсишнинг таркибий элементлари ва сифат кўрсаткичлари ҳамда Ўзбекистон иқтисодиёти интеллектуаллашув даражасининг интеграл индекси батафсил кўриб чиқилган.

Учинчи боб «Иқтисодий ривожланишнинг янги сифат босқичи жараёнларини эконометрик моделлаштириш» деб номланиб, у иқтисодий ривожланишнинг янги сифат босқичи жараёнларини эконометрик моделлаштириш муаммоларига, интеллектуал иқтисодиётда «ФОЯ»лар, инновациялар яратиш, уларни микдор ва сифат жиҳатидан таҳлил этиш, интеллектуал иқтисодиётда меҳнатни янги билимлар билан алмаштириш ва ривожланишининг сифат даражасини ошириш потенциали ва корхоналарда иннова-

цион жараёнларнинг тизимли эконометрик моделларини тузиш масалалари ёритилган.

Тўртинчи боб «Иқтисодий ривожланишнинг янги сифат боскичини шакллантиришда таълим муассасалари ва ахборот-коммуникация технологияларининг роли» деб номланиб, унда иқтисодий ривожланишнинг янги сифат боскичини шакллантиришда таълим муассасалари ва ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни, таълим тизимидағи янги парадигмалар, индустрисал тармоқларни яратиш ва ривожлантиришда университетларнинг ўрни ва аҳамияти ҳамда Ўзбекистон Республикасида компьютер технологиялари ва ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш муаммолари тадқик этилган.

Бешинчи боб «Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ривожланишнинг сифат даражасини ошириш имкониятлари» деб номланиб, унда Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсишнинг сифат даражасини ошириш концепцияси, Ўзбекистон Республикаси иқтисодийётининг интеллектуал потенциалини ошириш, янги интеллектуал иқтисодийётга трансформацияланиш жараённини моделлаштириш, интеллектуал иқтисодийётда ривожланишнинг оптимал мезонлари ва манбалари ҳамда миллий иқтисодиёт ривожини иқтисодий ўсишнинг эконометрик модели орқали прогнозлаш масалалари илмий тадқик этилган.

Диссертациянинг хуносаса кисмидаги илмий таклифлар ва тавсиялар баён этилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Замонавий иқтисодий ривожланиш сифати Ўзбекистон Республикаси учун алоҳида аҳамият касб этади. Чунки «...мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширилган ишларимизни сарҳисоб қиласа эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислоҳотлар дастурига маълум ўзгартиришлар киритиш билан бирга, биринчи навбатда эртанги кун талабларидан келиб чиқсан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация килиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юкори боскичга кўтаришимиз даркор»¹⁸. Миллий иқтисодиётнинг яқин ўтмишдаги жуда кулаги жаҳон конъюнктураси ва ижтимоий-иктисодий фаровонлик кўриниши шароитидаги ривожланиш траекторияси бўйлаб ҳаракати инсон капиталига кенг миқёсли инвестициялар киритиш ва асосий капитални оммавий ўзгартириш билан бирга олиб борилди. Иқтисодий билимларнинг ушбу соҳасида хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан доимий изланишлар олиб борилаётганига қарамасдан замонавий иқтисодий ривожланиш сифати концепцияси етарлича илмий асосланмаганлигини қайд этишимиз мумкин. Тадқиқотчилик ёндашувларининг бекарорлиги шароитида замонавий иқтисодий ривожланиш сифати назариясининг кўпгина қоидалари ноаниклиги илмий мунозара учун шароит яратади. Жаҳон – молиявий инкиrozидан чикиш

¹⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшима мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуусидаги маъруzasasi. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 56 б.

йўлларини излаш ва барқарор иктиносидий ривожланиш траекториясини танлаш мазкур соҳадаги методологик-назарий тадқиқотларни чуқурлаштиришиңи тақозо этади.

Миллий иктиносидий адабиётларда иктиносидий ривожланиш ва унинг сифати мавзузининг тадқиқ этилишини кўриб чикиб шуни қайд этиш зарурки, ушбу масала миллий иктиносидиёт мутаносибларни тузилмавий жиҳатдан мувозанатланган тақрор ишлаб чиқариш шароитлари нуктаи назаридан кўриб чиқилган. Замонавий иктиносидий ривожланишнинг сифат категорияси кўп киррали, уни иктиносидий тизим фаолиятининг турли соҳаларини таҳлил килиш воситасида очиб беришни талаб этади. Шулар боис, иктиносидий ривожланиш сифатининг ўз концепциясини ишлаб чиқишида атроф-муҳит аҳволи ва иктиносидий ривожланиш сифати муаммоларига доир хорижий иктиносидчи-ларнинг қатор тадқиқотлари чоп этилди¹⁹. Хусусан, Р. Солоу замонавий иктиносидий ривожланишнинг сифат даражасини илм ва техникага талаб устувор ўсишда бўлган капитал тузилмаси трансформацияланувчи иктиносидий фаолият билан боғлаб таҳлил этдилар²⁰.

Иктиносидий ўсиш категорияси иктиносидиёт амал килишининг асосий кўрсаткичлари жумласига кирган ҳолда у реал ялпи ички маҳсулотнинг йилдан-йилга ҳажмининг кўпайишини ёки аниқрок килиб гапирганда ахоли жон бошига реал ялпи ички маҳсулот микдорининг ошишини кўрсатади. «Иктиносидий ривожланиш» категорияси «иктиносидий ўсиш» билан чамбарчас боғлик кўп ўлчамли ва кўп киррали кўрсаткич бўлиб, мамлакатда ижтимоий институционал ва сиёсий ўзгаришлар, ахолининг турмуш даражасини, инсон манфаатларининг кондириш савиасини ифодалайди. Дарҳаккат, «иктиносидий ривожланиш» категорияси «иктиносидий ўсиш» тушунчасига нисбатан кенг маъноли хисобланади. Баъзан иктиносидий ўсиш яккот таъминланган ҳолда «иктиносидий ривожланиш» юз бермаслиги мумкин. Демак, «иктиносидий ривожланиш» инсон манфаатларини таъминлаш, ҳаётий эҳтиёжларини кондириш, яшаш шароитини, тиббий хизматини, таълим олиш, баркамол тараккий этиш имкониятларини ўзида камраб олади.

Таҳлилларга кўра, иктиносидий ривожланишнинг ички омилларига айланган интеллектуаллаштириш ва глобаллаштиришнинг сифат ва микдорий хусусиятлари динамик нисбатда намоён бўлади. Ушбу асосда замонавий иктиносидий ривожланишнинг янги сифат мазмуни очиб берилади. У технологик тартиблар алмашуви, технологик тараккиётнинг экзоген ривожланиш омилидан эндоген омилга айланishi, ижтимоий ишлаб чиқариш жараёни ва натижаларига интеллектуал меҳнат улушининг ортиши билан тавсифланувчи жадал янгиланаётган замонавий технологияларнинг номоддий ишлаб чиқариш соҳасидаги умумиктиносидий тенденцияларини акс эттиради.

Тадқиқотда иктиносидий фаолиятни интеллектуаллаштириш замонавий иктиносидий ривожланиш сифатининг умумлаштирувчи белгиси ва унинг императиви эканлигига эътибор қаратилди. Яъни, бу ҳаракат замонавий иктиносидий ривожланишни замонавий тенденцияларини акс эттиради.

¹⁹ Ehrlich, Paul R. and John P. Holdren, 1971. Impact of Population Growth. Science, 171:1212 – 17.

²⁰ Р. Солоу «Экономика ресурсов и ресурсы экономики» (The Economic of Resources and the Resources of Economics, 1974). nobelprize.org

диёт ривожланишининг ижтимоий ишлаб чикаришдаги технологик тузилмасида хамда мультиплекатив самаралардаги ўзгаришларнинг ўзаро боғликлигини таъминлашда, пировардида эса, инновацион ривожланиш траекториясини танлашда ўз ифодасини топади.

Иктисодиётни интеллектуаллаштириш салоҳиятини баҳолаш миллий иктисодиёт ривожланишининг сифат хусусиятларини аниклашга хизмат килади. Тадқиқот ишида иктисодиётни интеллектуаллаштириш интеграл индексини хисоблашнинг қуидаги услуби ишлаб чиқилган:

1. Иктисодиётни интеллектуаллаштириш салоҳияти, жараёни ва натижаларини акс эттирувчи бошлангич кўрсаткичларни аниклаш.

2. Бошлангич кўрсаткичларни иктисодиётни интеллектуаллаштириш интеграл индекси оқилона тузилмасини шакллантирувчи алоҳида индексларга айлантириш усулини асослаш.

Тадқиқотда эмпирик ва замонавий иктисодий ривожланиш бўйича илмий ишланмалар натижаларини назарий жихатдан умумлаштириш асосида ижтимоий муносабатлардаги чукур ўзгаришлар ва иктисодиёт кўламини кенгайтириш максадининг сифат ўзгаришидаги тенденциялар аникланди. Бунда меҳнатга нисбатан шахснинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш жараёни сифатидаги муносабатининг шаклланиши, жамғаришнинг номоддий шакллари ривожланиши хамда иктисодий фаолиятнинг интеллектуаллашуви каби тенденциялар аникланди.

Албатта, инсоният тарихи давомида билимлар хар доим интеллектуал ва иктисодий ривожланишининг муҳим омили бўлиб келган. Бироқ, сўнгги йилларда янги билимга эга бўлиш жараёни бевосита инновациялар билан боғлиқ бўлмоқда. Яъни, ахборотни кайта ишлаш, жўнаташнинг янги воситалари, 20-30 йил аввал мумкин бўлмаган тақсимланган ахборот тармоклари кўплаб жараёнларнинг ўзаро боғликлигини орттироғмоқда. Бу билан иктисодий жараёнларни ўрганишда тизим тушунчасидан фойдаланиш ва муаммони тизимли тадқик этиш катта ахамият қасб этади²¹. Демак, иккита йирик «жамият» ва «ресурслар» деб номланган тизимли тўпламларнинг кесишиши натижасида «иктисодиёт» тўплами шаклланади (1-расм). Яъни, жамиятнинг бир бўлаги сифатидаги миллий иктисодиётда товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, жамғариш ва истеъмол килишдаги муносабатлар амалга оширилади. Муайян даврда жамиятнинг истеъмолчилар сифатидаги инсон омили кайси турдағи канча товар ва хизматлар мажмуи ишлаб чиқариш зарурлигини аниклади. Агар иктисодиёт ресурслар тизимининг бир бўлаги деб талқин этилса, танқис ресурслар бўлган инсон, яъни, ишчи кучидан самарали фойдаланиш муҳим хисобланади.

Менежмент соҳасида таникли олим Питер Друкер²² иккинчи жаҳон урушидан кейин бошланган ва XX асрнинг 80-йилларида ёрқин намоён бўлган бошқарув соҳасидаги инқилобни замонавий иктисодиётни ривожлантиришнинг мустакил босқичи сифатида баҳолаган. Илмий тадқиқотда умумий экономикс

²¹ Горелова В.Л., Мельникова Е.Н. Основы прогнозирования систем.– М.: Высшая школа, 1986. – 420 с.; Доугерти К. Введение в эконометрику. – М.: Инфра-М., 1999. – 576 с.

²² П. Друкер. Задачи менеджмента в XXI веке. Издательство: Вильямс. 2007. – 286 с.

услуби – юкори фойдалилик ва унумдорлик интеллектуал иқтисодиётнинг ривожланиш сифатини аниглаш нуктаи назаридан таҳлил қилишнинг янги методологик-назарий трансформациялари йўналиши очилганлиги асослаб берилган. Ўсиб борувчи маҳсулдорлик ва ўсиб борувчи мукобил харажатлар конуни амал қилишига жиддий ўзгартиришлар киритиши исботланган.



1-расм. Иқтисодиётнинг вужудга келиши

Манба: муаллиф ишланмаси

Далил сифатида В. Эсиер²³ томонидан таклиф килинган таҳлилий воситалар, куйидаги фаразлар билан қабул килинган:

- иқтисодиётда иккита бойлик ишлаб чиқарилади: автомобилсозликда кўлланиладиган интеллектуал технологиялар (R), ва автомобиллар (T);
- битта ишлаб чиқариш омилидан фойдаланилади – меҳнат (L):

$$L_R + L_T = L, \quad (1)$$

бу ерда: L_R ва L_T – тегишли равища интеллектуал соҳада ва автомобилсозликда фойдаланиладиган меҳнат микдори, L эса – меҳнат бўйича умумий ресурс чеклови;

– бойликлардан бири бўйича доимий маҳсулдорлик шартидан фойдаланган В. Эсиердан фаркли равища, биз, ҳар икки бойлик бўйича ўсиб борувчи маҳсулдорлик шартини киритдик (Increasing Returns to Scale, IRS);

– автомобилсозликда меҳнат бирлиги h автомобил ишлаб чиқаради, унда:

$$T = h L_T \quad (2)$$

- h кўрсаткичи ишлаб чиқариш хажмiga боғланган:

$$h = L_T^{\alpha-1} \quad (3)$$

бу ерда $\alpha > 1$ ўсиб борувчи маҳсулдорлик учун. Натижада:

$$T = L_T^{\alpha-1} L_T = L_T^\alpha \text{ ёки } L_T = T^\frac{1}{\alpha} \quad (4)$$

Натижада ишлаб чиқариш кўлами ортганда (меҳнатдан катта микдорда фойдаланилганда) ўргача харажатлар камаяди. Интеллектуал соҳа учун ўхшаш

²³ Ethier W.J. Decreasing Costs in International Trade and Frank Graham's Argument for Protection // Econometrica. – 1982. – Vol. 50. – №5. – P.1243–1268.

тахлилий тузилмага ишлаб чиқариш кўлами натижасини киритиш қуйидаги ифодани келтириб чиқарди:

$$L_R = R^{\frac{1}{\beta}} \quad (5)$$

бу ерда $\beta > 1$. Мехнат бўйича умумий ресурс чеклови қуйидагича ёзилади:

$$L = R^{\frac{1}{\beta}} + T^{\frac{1}{\alpha}} \quad (6)$$

Ўсиб борувчи мукобил харажатлар конуни график тасвирда ишлаб чиқариш имкониятлари (*PPF*) эгри чизиги шаклида акс этади. Кўрилаётган холатда *PPF* тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$T = (L - R^{1/\beta})^\alpha \quad (7)$$


Диссертацияда ресурслар қайтимининг пасайиши конуни трансформацияси Ўзбекистон Республикасида 2000-2010 йиллар давомидаги омиллар умумий самарадорлигининг ўсиш тенденцияси иктиносидиётнинг икки омилли макроиктисодий функцияси орқали амалга оширилди:

$$\frac{\Delta Y(t)}{Y(t)} = \alpha_k(t) \frac{\Delta K(t)}{K(t)} + \beta_l(t) \frac{\Delta L(t)}{L(t)} + TFP(t) \quad (8)$$

Демак, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати асосий капитал ва ишчи кучига нисбатан функция деб қаралган. Ишлаб чиқариш омиллари ва функция экспоненциал ўсиш конуни бўйича ўзгаради деган тахмин асосида $g_y = (w_k \times g_k) + (w_l \times g_l) + a$ тенглигини ёзиш мумкин. Тадқиқотларга биноан ишчи кучининг эластиклиги $w_k = 0.78$ ва капиталнинг эластиклиги $w_l = 0.22$ га тенглиги аникланди. Шу асосда Ўзбекистон Республикаси иктиносидиёти 2005-2010 йилларда омилларнинг умумий унумдорлиги ўсиши суръати 31 фоизга тенглиги аникланган. Демак, иктиносидиёт ривожининг янги сифат босқичига ўтишида мамлакат иктиносидий ўсишининг учдан бир кисми омиллардаги сифат ўзгаришларига боғлик бўлмокда. Интеллектуал иктиносидиётга ўтиш жараёнида бу фоизнинг улуши янада ортиб боради.

Диссертацияда интеллектуал маҳсулотнинг камёблиги уни катта харажат талаб килмайдиган тарзда кўпайтириш йўли билан бартараф этилиши мумкинлигига катта эътибор қартилган. Моҳиятан олиб караганда, интеллектуал маҳсулотни кўпайтиришнинг энг юкори харажатлари камайиб боради ва нолга интилади, айни пайтда интеллектуал маҳсулотнинг синов намунасини ишлаб чиқариш харажатлари етарлича юкори даражада бўлади. Билимдан фойдаланишнинг юкори фойдалилик даражаси камаймайди, балки кўпаяди. Жамиятнинг канча кўп аъзоси янги билимларни эгалласа, юкори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштираса, уларнинг харидор-гирлиги ва қиммати шунча ортади, яъни истеъмол кўламининг синергетик самараси намоён бўлади. Натижада мамлакатнинг иктиносидий ривожланиши салоҳияти ошади.

Тадқиқот натижалари кўрсатишича, замонавий иктиносидий ривожланишнинг моҳият аниклигини акс эттирувчи концептуал белгиларнинг умумлаштирувчи тавсифлари баркарор ва самарали иктиносидий ривожланиши белгилаш лаёқати ҳисобланади (2-расм).



2-расм. Замонавий иқтисодий ривожланиш сифатининг таркиби тузилмаси

Манба: муаллиф ишланмаси

Диссертацияда иқтисодий фаолиятни интеллектуаллаштириш иқтисодий ривожланишнинг умумлаштирувчи сифат белгиси ва билимлар мультипликатори самарасининг генетик асослари эканлиги кўриб чиқилган. Иқтисодий фаолиятни интеллектуаллаштириш шароитида замонавий иқтисодий ривожланишнинг сифат парадигмаси асосини рақобатдан ҳоли ва бегоналаштирилмайдиган «билим» категорияси сифатидаги ижтимоий бойлик ҳамда уни қайта ишлаб чикариш ва «инсон сармояси» категорияси сифатидаги ўсиб борувчи эҳтиёжларни қондиришнинг стратегик ресурси ташкил этади.

Билимларга асосланган жамиятга иқтисодий ўтиш интеллектуал фаолиятнинг иқтисодий динамикадаги хиссаси тезкор ўсишида намоён бўлади. Номоддий ишлаб чиқариш соҳасининг кенгайиши ва меҳнатнинг ўрнини билимлар эгаллаши ресурсе чекловларини сезиларли даражада камайтиради. Иқтисодий диверсификациянинг чукурлашиши, ЯИМ тузилмасида илмталаб ва юкори технологик маҳсулотлар улушкининг устуворлиги, иқтисодий субъектлар алокаларининг тармок тузилмалари устунлиги интеллектуал иқтисодиёт ривожланишининг хусусиятлари хисобланади. Таҳдиллар шуни кўрсатадики, билимлар иқтисодиёти учта муҳим хусусиятга эга. Биринчisi, билимнинг маҳсулот сифатидаги дискретлиги. Аниқ билимлар яратилган ёки яратилмаган бўлиши билан бир каторда яримта ёки учдан бир кисмга тенг бўлиши мумкин эмас. Иккинчи хусусият, билимлардан бошқа ижтимоий бойликлар каби барчанинг истисносиз фойдаланиш имконияти мавжуд бўлади. Учинчи хусусият, аниқ билимлар ахборот маҳсулотидир, ахборот эса ундан фойдаланиб бўлгач, оддий моддий маҳсулот каби йўқолиб кетмайди. Демак:

- билимларни яратиш, улардан фойдаланиш қобилияти жаҳон майдонида ракобатбардошликни белгилайдиган асосий омилга айланмоқда;
- инновацион стратегиялар мамлакатларнинг глобаллашув шароитида ракобатлашиш ва ривожланиш қобилиятини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда;
- билимларни яратиш, улардан фойдаланишни таъминлаш ва жорий этишнинг янги моделлари пайдо бўлмоқда (масалан, ресурслардан очик фойдаланиш, билимлар ҳамжамиятлари);
- билимларни жадал кўллайдиган тармокларга ўтиш юкори даражадаги қобилият ва истеъодд мухимлигини талаб этади;
- технологиялар имкониятлари давлат, бизнес ва фукаролар ўртасидаги ҳамкорлик услублари шаклини ўзgartирмоқда. Билимларга асосланган иқтисодиёт билимлардан ракобатбардош ривожланишнинг асосий «локомотиви» сифатида фойдаланмоқда. Бундай иқтисодиётда иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш мақсадида билимлар яратилмоқда, эгалланмоқда, жорий этилмоқда ва самарали кўлланилмоқда;
- «анъанавий иқтисодиёт»дан «билимларга асосланган иқтисодиёт»га ўтиш таълим, инновациялар, ахборот-коммуникация технологияларига (АКТ) узок муддатли инвестициялар сарфлашни, шунингдек, ресурсларни самарали йўналтириш ва жойлаштиришни таъминлайдиган тегишли иқтисодий ҳамда институционал шароитларни талаб этмоқда.

«Ўзбекистон Республикаси ахолисининг фаровонлигини ошириш стратегияси»²⁴ да ахборот, билим, илмий-техник ютукларни шакллантириш ва жорий этишнинг самарали механизмини ташкил этиш учун «Билимлар иқтисодиёти»ни шакллантириш замонавий ахборот технологиялари, жумладан, электрон тизимларни яратиш хамда улардан кенг фойдаланиш талаб этилиши кайд этилган. 2015 йилга бориб электрон ахборотлаштириш иқтисодиётнинг деярли барча жабхаларини камраб олиниши мўлжалланган²⁵. Электрон алоқа воситалари орқали давлат идоралари, бизнес мухит, шунингдек, ҳукумат ва унинг хизматлари истеъмолчилари – бизнес хамда ахоли ўртасида ахборот ҳужжатлар айланиши таъминланади. Буни давлатнинг илмий-техника, инвестицион ва иқтисодий соҳаларга миллый иқтисодиётнинг инновацион фаолигини ошириш максадидаги таъсирини бошқариш эмас, балки тартибиға солиш чоралари деб хисоблаш зарур. Яъни, давлат томонидан тартибиға солиш чоралари давлатнинг муайян ўзгаришларни қўллаб-кувватлаш мақсадида инновацион жараёнларга таъсир кўрсатишидан иборат бўлади. Бунда таъсир йўналишлари: ҳўжалик алоқалари ва нисбатлари шаклланишига кўмаклашиш, хусусий ва ижтимоий манбаатларни мослаштириш асосида иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш кабилардан иборат.

Тадқикот натижаларига кўра, давлат органларининг инновацион соҳадаги асосий функциялари: илмий тадқикот ва тажриба конструкторлик ишлари (ИТТКИ) ва инновациялар учун маблагларни тўплаш; инновацион фаолиятни мувофиқлаштириш; инновациялар ва ракобатни рагбатлантириш; инновацион таваккалчиликларни сугурталаш; эскирган маҳсулот ишлаб чиқариш учун давлат санкцияларини жорий этиш; инновацион жараёнларнинг ҳуқуқий базаси, жумладан, муаллифлик ҳуқуқларини химоя килиш тизимини яратиш; инновацион фаолиятни кадрлар билан таъминлаш; инновацион инфратузилмани шакллантириш; давлат сектори соҳаларида инновацион жараёнларни институционал таъминлаш; инновацияларнинг ижтимоий йўналишини таъминлаш; инновацион фаолиятнинг ижтимоий мақомини оширишни камраб олган. Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибиға солишнинг мухим омили: инновацион инфратузилмани ривожлантиришга давлатнинг ёрдам кўрсатиши ва ахборот билан қўллаб-кувватлаш, жумладан, якунланган ёки амалга оширилаётган илмий-техника тадқикотлари тўғрисидаги маълумотлардан эркин фойдаланишни таъминлаш ва х.к. хисобланади²⁶.

Юзага келган вазиятни бартараф этиш ва иқтисодиётнинг баркарор ўсиш суръатларини сақлаш, айни пайтда инновацион ривожланиш йўналишига мослашиш учун Ўзбекистонда иқтисодиётнинг янги моделини яратиш бўйича иш олиб борилмоқда. Янги модель институционал ислоҳотларни ўтказиш билан бирга давлатнинг фаол ташкилий ва молиявий кўмагида ривожланишнинг стратегик лойихалари тизимини амалга оширишни талаб килади.

²⁴ Стратегия повышения уровня благосостояния населения Республики Узбекистан. Аналитический доклад. Опубликовано: The Government of Uzbekistan/UNDP/World Bank/ADB. 27 августа, 2007 г.

²⁵ Ўзбекистон Республикаси ижтимоий – иқтисодий тараккиётнинг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва қўрсаткичлари хамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам.– Т.: O’zbekiston, 2011.– 140 б.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори. Инновацион лойихаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишини рагбатлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 21-сон, 253-модда.

Миллий иктисодиётни ривожлантиришнинг базавий сценарийиси ресурслар бўйича чекланганлик ва ракобатчилик тифайли жиддий кийинчиликлар ва таваккалчиликлар билан боғланган, бундан янги – инновацион йўналтирилган иктисодий ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш зарурати келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг инновацион тараккиётга йўналтирилган модели умумий стратегиясининг бир кисми – ахборот технологиялари соҳаси технопаркларини яратиш хисобланади. Ҳар битта технопарк таркиби офис бинолари ва мутахассислар фаолияти учун зарур барча инфратузилма куляйликларига эга мажмуудан иборат бўлади (3-расм).



3-расм. Ўзбекистонда тараккиётнинг сифат даражасини ошириш модели

Манба: «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» асосида муаллиф ишланмаси²⁷

²⁷ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.

Тадқиқот натижаларига кўра, инновацион фаоллик даражаси тўғрисида энг тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун инновацион ва интеграцион жараёнлар индикаторлари, инновацион жараёнлар сифати индикаторлари ва ходимларни инновацион тушунишга кизиқтириш индикаторлари сингари кўрсаткичларни мажмуавий тахлил қилиш талаб этилади.

Юқоридагилардан келиб чиккан холда тадқиқот ишида корхоналарнинг инновацион фаоллигини баҳолаш услуби ишлаб чиқилган (1-жадвал). Инновацион фаоллик даражасини тавсифлаш учун айнан ушбу индикаторлар гурухини танлаш тўғри эканлиги эксперт баҳолаш натижалари билан тасдиқланган. Тадқиқотда корхоналарнинг инновацион фаоллик даражасига таъсири килувчи энг муҳим омилларнинг инновацион фаолият аҳволига таъсири даражаси интеграл кўрсаткичи (*I*) индикаторлар асосида ҳисобла布 чиқилди.

Инновацион фаол корхоналарни аниқлаш услубини амалга оширишнинг асосий боскичи инновацион ишлаб чиқариш самарадорлиги коэффициентини ($\mathcal{E}_{\text{и.и}}$) асослаш ва ҳисоблашдан иборат. Тадқиқот натижаларига кўра, инновацион ишлаб чиқариш самарадорлиги коэффициентини аниқлашга доир ҳисоб-китобларда инновацион такомиллаштириш жараённинг инновацион таркибий қисмини ҳисобга олиш имконини берадиган инвестицияларнинг кайтиш кўрсаткичидан (*ROI*) фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

1-жадвал

Корхоналар инновацион фаоллигини баҳолаш боскичлари

№	Боскичлар номи
1.	Инновацион фаолият самарадорлигини баҳолаш услубий коидаларини ишлаб чиқиш ва индикаторлар тизимини шакллантириш;
2.	Омилларнинг инновацион фаолият аҳволига таъсири даражасини аниқловчи интеграл кўрсаткичи (<i>I</i>) ҳисоблаш;
3.	Инвестицияларнинг кайтиш коэффициентини (<i>ROI</i>) ҳисоблаш;
4.	Корхоналарнинг инновацион фаоллик даражасини тавсифловчи кўрсаткичини (<i>Y</i>) аниқлаш;
5.	Оптималлик функциясидан фойдаланган холда инновацион фаоллик даражаси шакласини (<i>F</i>) ишлаб чиқиш;
6.	Инновацион ишлаб чиқариш самарадорлигини ($\mathcal{E}_{\text{и.и}}$) аниқлаш;
7.	Олинган инновацион фаоллик даражасини баҳолаш натижаларини міқдорий тахлил килиш.

Манба: муаллиф ишланмаси.

Республикада нафакат иқтисодий юксалишни таъминлаш, балки ахоли фаровонлигини тубдан ошириш, уларнинг турмуш сифати, табиий муҳит аҳволини яхшилашга эришиш, келажакда барқарор ўсиш учун пойдевор кўйиш муҳимdir. Бу эса, интеллектуал билимлар ва инновацияларга асосланган иқти-содиёт негизида амалга оширилади.

Тадқиқот ишида ишлаб чиқилган корхоналарнинг инновацион фаоллигини индикаторлар тизими асосида баҳолаш услубининг амалий татбиғи Тошкент шаҳридаги етгита корхона мисолида тахлил этилди (2-жадвал). Тахлилларга кўра, корхоналарда инновацион фаоллик даражаси (*Y*) билан

инновацион ишлаб чикариш самарадорлиги (Э.и.н.) индикаторларининг бевосита тўғри пропорционал боғликлиги аникланди. Хусусан, жуда юкори инновацион фаоллик даражасига эга бўлган «Тошкент иккиламчи кораметалл» хамда «Дойч кабель» корхоналарида инновацион ишлаб чикариш самарадорлиги хам мос равишдаги юкори натижаларни таъминлаган. Айни чоғда «ТТЗ КК» даги инновацион фаоллик даражасининг паст кўрсаткичлари инновацион ишлаб чикариш самарадорлигининг паст кўрсаткичларга эга бўлишини келтириб чиқарган.

2-жадвал

Корхоналарнинг инновацион фаоллигини индикаторлар тизими асосида баҳолаш

Корхоналар номи	Омилларнинг инновацион фаолият ахволига таъсири даражаси интеграл кўрсаткичи, (I)	Инновацион ишлаб чикаришнинг фонд билан таъминланганлиги, минг сўм/киши, (Φ)	Инвестицияларнинг кайтиш коэффициенти, (ROI)	Инновацион фаоллик даражаси, (Y)		Инновацион ишлаб чикариш самарадорлиги, (Э.и.н.)
				Қиймат	Тавсиф	
Лукоил	35,49	27,06	25,3	0,543	юкори	76,448
Тошкент иккиламчи кораметалл	20,72	25,67	12,1	0,723	жуда юкори	85,037
Рангли металл	21,4	21,09	17,5	0,538	юкори	45,695
Альфатекс	25,25	19,15	21,4	0,578	юкори	72,012
Дойч абелъ	26,02	16,52	23,7	0,605	жуда юкори	61,931
ВКМ сервис	28,8	12,09	13,2	0,472	ўрта	59,101
ТТЗ КК	23,83	14,43	19,6	0,281	кичик	19,786

Манба: корхоналарнинг 2008-2010 йиллардаги хисоботлари асосида муаллиф ишланмаси


Мамлакатимиз иқтисодиётида иқтисодий ўсишнинг анъанавий омиллари саклансада, хом ашё секторининг қискариб тайёр маҳсулотлар вазнининг экспортдаги улуши 2000 йилдаги 46 фоиздан 2011 йилда 60 фоизга етиши, иқтисодий ривожланишда янги сифат боскичи шаклланиши ва узок муддатли истиқболда илмталаб тармоқлар устувор ривожланишидан далолат бермоқда²⁸.

Тахлиллар кўрсатишича, аксарият корхоналарда олинган самаранинг катта қисми маҳсус билимларни қўллаш, ходимларни ўқитиш, ҳамкорлар ва контрагентлар билан тармок бўйича ўзаро ҳамжихатлик қилиш кўринишига эга

²⁸ Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги боскичга кўтарадиган йил бўлади // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни иқтисомий-иктисодий ривожлантаришнинг устувор ўйнанишларига багишланган Вазирлар Мажхамасининг мажлисиидаги маъруzasи. -Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14 (5434).

бўлмоқда ва инновациялар тобора фаоллашмоқда. Бунда уларнинг манбалари анъанавий илмий тадқикот институтлари ва конструкторлик бюросидан маҳсулот истеъмолчилари, маркетинг бўлимларига караб йўналишини ўзгартироқда. Бу билан замонавий иқтисодий фаолиятнинг ўзига хос хусусияти – хар бир яратилаётган маҳсулот ва кўрсатиласётган хизматда илмталаблик даражаси мунтазам ортаётгандилиги намоён бўлмоқда. Тармоқ ва корхоналарнинг илмталаблик даражаси ҳамда инновацияларнинг фаоллашуви интеллектуал иқтисодиётнинг шаклланиш жараёнлари ва кўрсаткичларини белгилаш учун асос ҳисобланади (4-расм).

Тадқикот ишида тўрт боскичли парадигмага биноан интеллектуал иқтисодиётнинг асосий кўрсаткичларини ишлаб чикишда иккита ўзаро боғлик вазифа ҳал килинган:



4-расм. Интеллектуал иқтисодиётнинг шаклланиш жараёнлари ва кўрсаткичлари

Манба: муаллиф ишланмаси

1) Миллий иктисодиётни интеллектуаллаштиришнинг турли жиҳатлари ни акс эттирувчи бошлангич кўрсаткичлар белгиланди (3-жадвал).

2) Интеграл индексларни хисоблаш ва интеллектуал иктисодиётнинг интеграл индекси (*ИИИИ*) оқилона тузилмасини шакллантириш усуллари асослаб берилди.

Муаллиф фикрича, билимларга асосланган иктиносидиётга ўтиш шароитида таълим нафакат иктиносидий ўсишнинг муҳим омили, балки мамлакат рақобатбардошлигини оширишининг муҳим шарти ҳисобланади²⁹.

Чунки, миллий интеллектуал иктиносидиётнинг шаклланишида аҳоли саводхонлиги ва малакасининг яхшиланиши муҳим таркибий қисм ҳисобланади ва унинг доирасида интеллектуал кобилиятни шакллантириш жараёни содир бўлади. Таълим ва иктиносидиётнинг ўзаро боғлиқлиги ижтимоий жараёнлар инсонга таълим орқали эгалланадиган билимни, уни янги капитал сифатида кўриш имконини бериши нуктаи назаридан қизикиш уйғотади. XXI аср бошида айнан билимлар тараққий этган мамлакатлар ривожланишининг асосий манбайи бўлиб хизмат кильмоқда. Инсониятнинг бугунги даражага эришишига хисса кўшган жами билимларнинг 90 фоизи кейинги 30 йилда яратилди.

Иктиносидий фаолиятни интеллектуаллаштиришнинг (ИФИ) бошлангич кўрсаткичлари гуруҳидаги дастлабки этти кўрсаткич мамлакат иктиносидий фаолиятини интеллектуаллаштиришнинг экстенсив кўрсаткичларини тавсифлайди, айни пайтда ИФИ натижавий кўрсаткичлари гурухи муайян даражада ИФИнинг сифат томонини акс эттиради (3-жадвал).

3-жадвал

Иктиносидий фаолиятни интеллектуаллаштиришнинг бошлангич кўрсаткичлари гурухи

ИФИ салоҳияти кўрсаткичлари	ИФИ жараёни кўрсаткичлари	ИФИнинг натижавий кўрсаткичлари
1. 10000 нафар банд кишига тўғри келадиган тадқикотчилар сони, киши	6. ЯИМ таркибида илмий тадқикотлар учун харажатлар, фоиз	8. Технологиялар экспорти, минг сўм
2. 1000 нафар аҳолига тўғри келадиган шахсий компьютерлар сони, дона		9. Ихтиролар учун патент аризалари сони, дона
3. 1000 нафар аҳолига тўғри келадиган Интернетдан фойдаланувчилар сони, киши		
4. 1000 нафар аҳолига тўғри келадиган талабалар сони, киши	7. ЯИМ таркибида таълим харажатлари, фоиз	10. Инновациянни рагбатлантириш учун жон бошига тўғри келадиган муроҷаот ва тўловлар
5. 25-64 ёшдаги аҳоли ўргасида турли даражадаги учинчи боскич мазлумотига эга шахслар улуши, фоиз		

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Интеллектуал иктиносидиётнинг интеграл индекси (*ИИИИ*) оқилона тузилмасини шакллантириш иктиносидий фаолиятни интеллектуаллаштиришнинг бошлангич кўрсаткичларининг корреляция даражасини ҳисобга олишга боғлик.

²⁹ Брукинг Э. Интеллектуальный капитал /Пер. с англ. СПб.: Питер, 2001. – 288 с.

Уларнинг жуфт корреляция коэффициентларини хисоблаш натижасида ИФИ салоҳияти гурухи кўрсаткичлари ва ЯИМ таркибидаги илмий тадқикотлар учун харажатлар кўрсаткичлари кўпроқ даражада ўзаро боғланганлиги аниқланди. Яъни, уларнинг жуфт корреляцияси коэффициентлари 0,83 дан 0,97 гача бўлган интервалда жойлашган. Иккинчи вазифани ҳал килишда инсон салоҳиятини ривожлантириш интеграл индексини (ИСРИИ) хисоблашда кўлланиладиган ёндашуудан фойдаланилган. Ўхшашиблик бўйича ИСРИИдан ИИИИ таркибий кисмлари сифатида ИФИнинг турли жиҳатлари ривожланиш даражасини акс эттирувчи интеграл индекслар танлаб олинди.

Интеграл индексларни хисоблаш куйидагича амалга оширилади:

1) Интеграл индексларни табиий меъёрлаш формуласи:

$$\text{интеграл индекс} = (X - X_{\min}) / (X_{\max} - X_{\min}), \quad (9)$$

бу ерда: X – мамлакат учун тегишли бошлангич кўрсаткич киймати; X_{\min} ва X_{\max} – тегишли равишда, ушбу кўрсаткичнинг кўриб чикилаётган маълумотларнинг минимал ва максимал кийматлари.

2) Кўриб чикилаётган маълумотлар бўйича ҳар битта динамик каторнинг бошлангич кўрсаткичи индексини ўртача кўрсаткич кийматига нисбати сифатида аниқлашдан иборат.

Табиийки, миллий иқтисодиётлар учун ИИИИ даражаси бир хиллиги уларнинг реал ИФИ даражаларини такъослаш натижалари акс эттирамайди. Муаллиф таклиф этган усулда ушбу камчилик бартараф этилган, буни миллий иқтисодиётларни таснифлаш натижалари тасдиклайди (3-жадвал). Бу натижалар табиий меъёрлаш усулига нисбатан янада ахборотга бойлиги борасида хулоса килиш имконини беради.

Оқилона ИИИИ тузилмаси бошлангич кўрсаткичлар корреляцияси даражасидан келиб чиккан ҳолда белгиланади. Биринчи ИИИИ интеграл индекси аддитив шаклда, дастлабки олтита бошлангич кўрсаткичлар интеграл индекслари ўртача арифметик сони сифатида хисобланди (ИИИИ_{1_ек}). Иккинчи экстенсив турдаги интеграл индекс (ИИИИ_{2_ек}) еттинчи бошлангич кўрсаткични ўзгартириш йўли билан олинди. Кўпроқ даражада интенсив омиллар билан белгиланган ва ИФИ бўйича миллий иқтисодиётларнинг сифат имкониятларини акс эттирувчи сўнгги учта интеграл индекс ИФИ натижаси бошлангич кўрсаткичлари бўйича хисобланди. Бошлангич 7, 8, 9 ва 10 бошлангич кўрсаткичлар ўртасидаги заиф боғликлар уларнинг интеграл индексларини ўртачалаштиришнинг аддитив шакли ўрнига мультиплекатив шаклидан фойдаланиши белгилаб берди. Таклиф килинаётган услубда бошлангич кўрсаткичларни танлашда уларнинг таркиби маълум даражада кўп вариантили бўлишига йўл қўйилади. Таркиб ҳам таснифлаш вазифасини аниқлаштириш, ҳам маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил килиш самарадорлигини ошириш мақсадида турланиши мумкин. Таклиф этилган услуб бўйича ИИИИни хисоблаш натижаларининг бошлангич кўрсаткичлар таркиби ўзгаришларига таъсирчанлигини текшириш мақсадида бешинчи

бошлангич кўрсаткич «Шахсий компьютерлардан фойдаланувчи ташкилотларнинг солишишима улуши (ташкилотлар умумий сонига нисбатан фоизда)» кўрсаткичига алмаштирилди. Янги хисоб-китоблар натижалари деярлик ўхшашибўлади. Ривожланишнинг янги сифат босқичи белгиларидан бири корхоналарда инновацион жараёнларни кенг кўламда кўллашдан иборат. Диссертацияда ушбу жараёнлар «Ўзбеккимёсаноат» ДАКга карашли корхоналар мисолида тадқик этилди. Бунинг учун «Навоийазот», «Максам-Чирчик», «Фаргонаазот», «Аммофосмаксам», «Электрохимзавод», «Самарқандкимё», «Қўкон суперфосфат плант», «Фаргона СПФС». Қўнғирот сода заводи, «Жиззах пластмасса», «Ўзкимёсаноат» лойиҳа корхоналарининг инновацияни акс эттирувчи кейинги ўн йиллик материаллари асосида таҳлил этилди.

Диссертацияда инновацияга (*NEWT*) таъсир этувчи омиллар сифатида илмий тадқикот ишлари (*ИТИ*), интеллектуал билимлар, ходимларнинг кобилияти, ишдан коникиш даражаси, ўзгаришга талабнинг пайдо бўлиши, АКТ дан фойдаланиш ва янги маҳсулот яратиш тадқик этилди. Омилларга мос равишда уларнинг микдордаги ифодаси илмий тадқикотга сарфланган харажатлар (*R&D*), ходимларнинг малака ошириши (*INC_QUAL*), олий маълумотли ходимларнинг улуши (*HI_EDU*), компания сўровномалари асосида ходимларнинг коникиши хакида аҳборот, (*SAT_EMP*) истеъмолчиларнинг маҳсулот сифатидан коникиши, интернетдан фойдаланиш (*GROWTH_NO*) ва янги маҳсулот ишлаб чиқариш билан ўлчанади (*NEWP*).

Кўйидаги модель корхоналарда инновацион жараённинг омиллари ва натижаларини аниқ ифодалаб беради:

$$Ln(\text{инновация}) = 0.470273 * Ln(\text{ИТИ}) + 0.444175 * Ln(\text{капиталнинг ўсиши суръати}) + 0.307230 * Ln(\text{янги маҳсулотлар улуши}) + 0.273577 * Ln(\text{ходимлар сони ўсиши}) + \epsilon$$

$$R^2 = 0,68; \quad F = 184; \quad DW = 2,11 \quad (10)$$

Инновацияларнинг талаб этилиш долзарблиги ортиши натижасида олий таълим тизимида янги динамик ўзгаришлар юз бермоқда. Иктиносидий ривожланишда таълимнинг хиссаси таълим ривожланишининг сон ва сифат кўрсаткичлари ижтимоий-иктиносидий тараққиёт билан ўзаро боғлиқ. Билимли, малакали тайёргарликка эга бўлган инсон учун кучли таълим тизими, янгиликлар, янги технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги, рақобатбардошликтининг инвестициявий лаёқатлилиги кабилар миллий иктиносидёт хавфсизлигини оширишда асосий омилга айланади.

Таҳлилларга кўра, суст, тўлиқ бўлмаган малакавий тайёргарликка эга ишчилар, мухандис, менежер ва бошқа юкори малакали мутахассисларга эга бўлмаган давлатлар техника юфиши, хом ашёни қайта ишлаш ва казиб олиш тармоқларида, саноатда паст ёки ўрта технологик қувватлар билан чекланиб қолишган. Шу билан бирга, олий маълумотли ходимлар ва ишчиларга, мунтазам малакасини ошириб борувчи мутахассисларга, янгиликлар, мукаммал технологияларга эга давлатлар илмий маҳсулотлар, юкори технологик

хизматлар кўрсатишига ихтисослашган трансмиллий компанияларни ўзига жалб этадилар. Инсон тарақкӣтиётини белгиловчи асосий кўрсаткичлар ўсишида таълимнинг иктисодиётга жуда катта эканлиги кузатилмоқда. Яъни, янги динамик ўзгаришлар кўрсатишича, олий таълим хизматларининг ижтимоий товар сифатидаги ўрни ортишида хусусий секторнинг олий таълим муассасаларини молиялаштириши билан ҳам бевосита боғлик бўлмокда.


Иктисодий ўсиш жараёнига тўрт тоифадаги омиллар таъсир кўрсатади ва натижадик-иктисодий ўсишнинг сифат даражаси ҳар бир омил ва омиллар комбинациясига боғлик бўлади (5-расм). Бу жараёни тизим тарзида «сабаб ва оқибат» шаклида математик моделлар тизими орқали ифодалаш мумкин.



5-расм. Иктисодий ўсиш жараёни ва унга таъсир этувчи омиллар

Манба: муаллиф ишланмаси

Диссертацияда янги назарий-услубий гояларга таянган ҳолда Ўзбекистон Республикаси иктисодиётининг янги ривожланиш сифат босқичининг эконометрик моделлар тизими асосланди. Бунда, моделлар тузиш учун иктисодий ўсиш жараёни тизим шаклида тахлил этилган (6- расм).



**6-расм. Ўзбекистон Республикасида иктисодий ривожланишнинг
янги сифат босқичи моделлари**

Манба: муаллиф ишланмаси

Таддикотда иктисодий ривожланишнинг эконометрик моделлари тизими куйидагича тавсифланган:

1. Аҳоли жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариш модели:

$$INCOME = \alpha_0 + \alpha_1 KEI.$$

2. Интеллектуал иқтисодиёт шаклланиш модели:

$$KEI = \beta_0 + \beta_1 KI + \beta_2 EI + \beta_3 INN + \beta_4 ICT.$$

3. Иқтисодий мухит модели :

$$EI = \gamma_0 + \gamma_1 T + \gamma_2 PR_q + \gamma_3 J$$

4. Ахолининг саводхонлиги ва малакасининг яхшиланиши:

$$KI = \zeta_0 + \zeta_1 ED + \zeta_2 RT.$$

5. Ахборот инфратузилмасининг яхшиланиши:

$$ICT = \delta_0 + \delta_1 PH + \delta_2 PC + \delta_3 INTERNET.$$

6. Инновация тизимининг яхшиланиши:

$$INN = \lambda_0 + \lambda_1 Pat + \lambda_2 ART + \lambda_3 Licence.$$

Бу ерда: $\alpha_0, \alpha_1, \beta_0, \beta_1, \gamma_0 - \gamma_2, \zeta_0 - \zeta_2, \delta_0 - \delta_3$ ва $\lambda_0 - \lambda_3$ эконометрик моделларнинг параметрлари; T – солик ва бошқа тарифлар; PR – маҳсулот сифатини рағбатлантириш; J – иқтисодий хуқуқшуносликнинг такомиллигига етган; ED – балоғатга етган инсонларнинг ўртача саводхонлиги; RT – ишчи кучини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш; PH – ҳар минг кишига телефонлар сони; PC – ҳар минг кишига компьютерлар сони; Pat – ахоли жон бошига тўғри келадиган патентлар учун мукофотлар; ART – ҳар бир млн. кишига тўғри келадиган чоп этилган техник мақолалар; $Licence$ – ҳар минг кишига тўғри келадиган патент ва лицензиялар сони. KEI – билимлар иқтисодиёти индекси; KI – билимлар индекси; EI – иқтисодий рағбатлантирувчи омиллар; INN – инновациялар индекси; ED – маълумот индекси; ICT – ахборот-коммуникация технологиялари индекси.

ЯИМдаги интеллектуал кисмнинг жамланма киймати интеллектуал компонентнинг дастлабки улуси кийматидан анча ортик бўлиши мумкин. Илмий тадқиқот ишида оддий мультиплікатор самараси билан ўхашашлик бўйича билимлар мультиплікаторини ЯИМнинг ялпи интеллектуал натижасининг дастлабки интеллектуал ҳиссасига нисбати сифатида ҳисоблаш услуги ишлаб чиқилди.

Олий таълим хизматлари товар тусини олиши ва бозорга йўналтирилганлиги жорий амалиётни тубдан қайта куришни, таълим муассасаларининг мавкеини менежмент, иш жойлари ва таълим дастурларини такомиллаштириш оркали амалга оширишни талаб килади. Билимларнинг товар тусини олиши университетларни бозорнинг тўлақонли иштирокчиларига айлантиради. Мувакқат мавқега эга бўлиш ҳамда ҳакиқий ва интеллектуал салоҳият иқтисодий самара, яъни бозор коидалари билан алмашинмоқда. Тадқиқот натижаларининг товар тусини олиши нафакат айрим элита институтларга, балки билимларни товар маҳсулотларига айлантирадиган фанлар (биомедицина, биоинженерия) га ҳам тегишли бўлмоқда. Бу жараён ижтимоий соҳа олимларини ҳам билимларнинг маржинал нафи ҳакида ўйлашга мажбур кильмоқда.

Университетлар билан бизнес вакилларининг алоқасини мустахкамлайдиган ёки давлат томонидан молиялаштириладиган, илмий тадқиқот ишларини сотиш ва молиялаштиришни такомиллаштирадиган моделлар мавжуд эмас. Алокаларнинг самарадорлиги ва ҳамкорлиги одатда уларнинг намоён бўлиш мухитига bogliq. Milliy mukhitning muhimligi, uning mintakasi va global mukhitga ham boglikligini inkor etmайди. Диссертацияда кайд

этилганидек, билимларни ишлаб чикариш ва ижодий фаолият, тадбиркорлик ва инновациялар, ўрганиш ва ривожлантириш, дастурий таъминот ва маҳсулот дизайннида қўллаш ҳар бир иктисодиётнинг иктисодий ривожланиши ва баркарорлиги учун ҳал килувчи аҳамиятга эга. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, аҳолининг турмуш фаровонлиги даражаси ва иктисодий ўсиш суръатлари интеллектуал иктисодиётнинг шаклланиш даражасига бевосита боғлик. Ривожланётган мамлакатлар ҳам инсон сармояси, самарали институтлар, коммуникацион технологиялар, инновацион ва ракобатбардош корхоналар ривожига катта маблағлар ажратиш оркали билимлар иктисодиётини яратишда улкан ютукларга эришишлари кутилмоқда.

Тадқиқот ишида аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромаднинг билимлар иктисодиёти коэффициенти даражасига боғликлигининг математик аппроксимациясини ифодалашда чизиқли функциядан фойдаланилди. ТДИУ аҳборот технологиялари марказида «*E-views*» стандарт дастурида ишлов берилгандан сўнг куйидаги натижалар олинди.

Бунинг математик ифодаланиши куйидагича:

$$\begin{aligned} \text{Даромад} &= 13739,85 + 4943,93 \text{ БИ} \\ R^2 &= 0,58; \quad F = 184; \quad DW = 1,98 \end{aligned} \quad (11)$$

Тахлиллар кўрсатишича, билимлар иктисодиёти коэффициенти даражаси даромадга ижобий таъсир кўрсатади ва мазкур коэффициентнинг бир бандга ошиши даромад 4943 долларга кўпайишига хизмат килади. Логарифмик чизиқли регрессия янада ишонарлирек моделни беради, уни куйидагича изохлаш мумкин. Ҳамма шароитларда билимлар иктисодиёти коэффициентининг бир фоизга ошиши, аҳоли жон бошига ҳисобланган даромад икки фоизга кўпайишига олиб келиши мумкин. Олимларнинг таълимни иктисодиётга таъсирини баҳолаш, энг аввало, уларнинг индекслари номуккамаллиги сабабли анча кийин, деган караши мавжуд. Шунингдек, тадқиқотда даромад даражаси ва мамлакатлардаги билимлар иктисодиётининг шаклланиш даражаси ўртасида ижобий ўзаро боғлилик (корреляция) мавжудлиги аниқланган:

$$\begin{aligned} \text{Даромад} &= 12676 + 4747,3 \text{ БИ} \\ R^2 &= 0,61; \quad F = 123; \quad DW = 1,79 \end{aligned} \quad (12)$$

Аҳборот-коммуникация технологиялари ривожланиши интеллектуал иктисодиётнинг шаклланиш жараёнини сезиларли даражада тезлаштиради. Барча ривожланган ва кўпгина ривожланётган давлатларда давлат бошкаруви, таълим соҳаси, тиббиёт, тижорат ва бошқа соҳаларни аҳборотлаштириш бўйича кенг кўламли дастурлар амалга оширилмоқда. Бунда ҳар бир давлат аҳборотлашган жамиятни шакллантириш аҳамиятини англаган ҳолда мазкур йўналишни амалга оширишнинг ўз «концепцияси»ни ишлаб чикмоқда.

Диссертацияда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромаднинг АКТ индексига боғликлиги куйидагича аниқланди:

$$\begin{aligned} \text{Даромад} &= 11464,84 + 4433,847 \text{ АКТ} \\ R^2 &= 0,52; \quad F = 146; \quad DW = 1,57 \end{aligned} \quad (13)$$

АКТ индексининг бир бандга ошиши ҳамма шароитларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад ўртача 4434 доллар кўпайишига олиб келади.

Ахолининг маълумот даражаси ва инновация ривожлантирилиши ҳам билимлар иктисодиётини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда 10 минг яшовчига хисобланганда ИТТКИ соҳасида банд ходимлар сони 1995-2004 йилларда 12,3 дан 10,7 ходимгача камайиб 2009 йилда 11 ходимга етган бўлсада, ушбу кўрсаткич Қозогистон (6,3), Туркия (3,4), Малайзия (2,3) ва ўртacha иктисодий ривожланиш даражасидаги кўпгина давлатларга нисбатан анча юкори даражада хисобланади. Шуни назарда тутиш лозимки, айнан юкори маълумот даражаси мавжудлиги республикада маҳаллий илм-фаннынг ҳалқаро даражалар билан киёслаганда сезиларли даражада юкори интеллектуал салоҳиятидан далолат беради. Маълумки, ўзбекистонлик олимларнинг математика, физика, биология ва катор фундаментал ҳамда амалий фанлар соҳасидаги тадқиқотлари жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда.

Мамлакатдаги маълумот индекси ҳам аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртacha даромадга ижобий таъсир кўрсатади:

$$\begin{aligned} \text{Даромад} &= -8555 + 4006,77 \text{ МИ}; \\ R^2 &= 0,45; \quad F = 106; \quad DW = 1,56 \end{aligned} \quad (14)$$

«Даромад – инновациялар» боғликлиги куйидаги натижани беради:

$$\begin{aligned} \text{Даромад} &= 11083,87 + 4379,02 \text{ ИРО}; \\ R^2 &= 0,51; \quad F = 139; \quad DW = 1,72 \end{aligned} \quad (15)$$

Инсон тараққиётининг ушбу асосий кўрсаткичларини тавсифловчи индекслар кийматлари такқосланганда маълумотнинг иктисодиётга таъсири яккол кўзга ташланади. Агар айрим мамлакатлар даражасида маълумот индексининг юкори кўрсаткичига ҳар доим ҳам аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМнинг юкори даражаси мувофиқ бўлавермаса, катта ёки кичик мамлакатлар гурухлари даражасида бундай мувофиқлик аниқ кузатилади; маълумот даражаси индекси пасайиши билан ЯИМ индекси ҳам камаяди. Шундай бўлсада, иккинчи индекснинг биринчисига тўғри мутаносиблиги кузатилмайди.

Эконометрик моделлаштиришнинг иккинчи боскичида муаллиф кўриб чиқкан давлатлarda билимлар иктисодиётини шакллантиришнинг кўп омилли моделларига барча асосий омиллар киритилган. У куйидаги кўринишга эга:

$$\begin{aligned} \text{Даромад} &= 14853,62 + 44670,39 \text{ МИ} + 60185,30 \text{ ИРО} + 44050,52 \text{ АКТ} + \\ &+ 47969,59 \cdot \text{Инновация} + 247199,0 \cdot \text{БИИ} + 318592,3 \cdot \text{БИ}; \\ R^2 &= 0,60; \quad F = 34; \quad DW = 2,06 \end{aligned} \quad (16)$$

Бошқа кўпгина давлатларда бўлгани каби Ўзбекистон тараққиёти стратегиясининг устувор ўйналишлари таркибида таълим тизимини модернизация килиш мухим ўрин тутади. Таълимдаги ислоҳотлар таълимнинг мактабгача таълимдан олий ўкув юритдан кейинги таълимгача бўлган барча даражаларини қамраб олган. Маълумот даражаси индекси бўйича етакчилар жаҳоннинг ривожланган давлатлари хисобланади, қолоклар эса Тропик Африка мамлакатлариидир. МДҲ давлатлари, жумладан Ўзбекистон Республикасида ушбу кийматлар анча юкори даражада, бундан ташкири барча МДҲ давлатларида ушбу кўрсаткич ИСРИИ ва бошқа иккита таркибий кисми – кутилган хаёт давомийлиги индекси ва ЯИМ кийматларидан катта.

Билимлар янги инновациялар ва ишлаб чиқариш самарадорлиги, технологик ривожланиш ва халқаро савдода ракобатбардошлигини таъминлашга, инсоний ва жисмоний капитал манбай деб каралади. Шу туфайли, Ўзбекистон Республикаси иктисодиётининг билимларга асосланган иктисодиётга айланишидаги омиллар ва ривожланиш манбаларини ўрганиш, иктисодий сиёsat юритиш учун ахборот тўплашда янги назария элементларидан фойдаланиши муҳим аҳамиятга эга.

Тарихий жиҳатдан караганда классик ишлаб чиқариш функциясида монотон таҳминга биноан ялпи маҳсулот капитал ва иш кучига нисбатан функция деб ўрганилади. Яъни, $Y=F(K, L)$. Табиатан K ва L чекланган хисобланади. Кобб-Дуглас томонидан хусусий ҳолдаги ишлаб чиқариш функцияси $Y=AK^{\alpha}L^{\beta}$ таклиф этилган. Унда A технологик ривожланишни акс эттиради ва у ўзгармас хисобланади. Юқоридаги шартлар сакланган ҳолда Р. Солоу неоклассик ўсиш моделини яратди ва кейинчалик $AD=AS$ моделидаги $S=I$ шартига биноан ёпик иктисодиёт учун $S=S^0 Y$, яъни $S=S^0 Y I(K, L)$ тенгликни таклиф этиб, капиталнинг жамғарилишига биноан ялпи маҳсулотнинг ўзгармас даражаси моделини яратди. Дарҳакиқат, Солоунинг модели тугалланмаган хисобланади, чунки унда бандлик даражаси ўзгармас, табиий даражада деб кабул килинади. Бу камчиликларни бартараф этиш максадида М.Ромер янги ўсиш назариясига асос солди. Унинг талқинига биноан иктисодий ривожланишда янги давр бошланди ва билимларга асосланган иктисодиётда ялпи маҳсулот билимларга нисбатан функция хисобланади ва у $Y=F(B)$ билан белгиланади. Янги ўсиш назариясида (ЯУН) классик Кобб-Дуглас ва Солоу моделлари технологик тараккиётни акс эттирувчи янги омил, яъни билимлар билан тўлдирилади.

Айрим олимлар (масалан, Жоунс, 1999)³⁰ юқоридаги гипотезаларга кўшилмаган ҳолда узоқ муддатли ахоли жон бошига хисобланган ўсиш ҳеч қандай аҳамият қасб этмайди, балки концентрация самараси ўринли деб хисблайди. Вакт ўзгариши бўйича агар ишчи бир ишни бажариб борса, кўлам самараси юз беради ва унинг унумдорлиги ошади. Чжен ва Кие³¹ тадқиқотларида масштаб самараси амалда тасдикланмаган. М.Ромернинг³² (1990) тадқиқотига биноан билимларнинг юксалиши, маржинал харажатлар нолга тенг бўлган ҳолда, барча иктисодиётлар учун чекланмаган иктисодий ўсиш имконини яратади. Одатда, юз бераётган глобаллашув жараёни барча мамлакатларни хом ашёга асосланган иктисодиётдан билимлар иктисодиётига ўтиш орзусини уйғотмоқда. Ўзбекистон Республикаси ахолисининг моддий фаровонлигини ошириш стратегиясида якин келажакда билимларга асосланган иктисодиётга ўтиш мақсадида инсон капиталига катта сармоя сарфлаш мўлжалланган. Жаҳон банки маълумотларига кўра, Ўзбекистон жаҳонда бу кўрсаткич бўйича 93 ўринда туради.

³⁰ JONES A., Macroeconomic Analysis: Endogenous Growth: Romer www.hull.ac./Romermodel 6.

³¹ Ch. DEREK and KEE L. A Model on Knowledge and Endogenous Growth, 2005. www.worldbank.org/pub

³² ROMER M. 1990. Endogenous Technological Change [online]The Journal of Political Economy, Vol. 98, No. 5, Part 2: The 2 Problem of Development: A Conference of the Institute for the Study of Free Enterprise Systems (Oct., 1990), pp. S71-S102

Иккала сектор ишлаб чиқаришнинг Кобб-Дуглас функцияларидаги боғликлукка амал қиласи.

Товар ва хизматлар ишлаб чиқарши:

$$y_i = [(1-f_k)K_i]^{\alpha} [(1-f_h)H_i]^{\beta} [A_i(1-f_l)L_i]^{1-\alpha-\beta} \quad (17)$$

Бу ерда: $0 < \alpha < 1$, $0 < \beta < 1$, $\alpha + \beta < 1$

Билимларни ишлаб чиқарши сектори:

$$A_i = [f_k K_i]^{\alpha} [f_h H_i]^{\beta} [f_l L_i]^{1-\alpha-\beta} A_i^{\theta} \quad (18)$$

Бу ерда: $0 \leq \alpha \leq 1$, $0 \leq \beta \leq 1$, $0 \leq \theta \leq 1$

Инсон омили билимлардан фарқли ўлароқ, ишлаб чиқаришда қатнашса, у бир вақтнинг ўзида билимларни ишлаб чиқаришда иштирок этолмайди. Билимлар A_i , иш кучи томонидан товар ишлаб чиқаришда кўлланилади. Инсон омили капитал, иш кучи ва билимлар билан биргаликда t даврда Янги билимлар ишлаб чиқарыш учун кўлланилади. Ўзбекистон учун очик иктисодиёт айниятни шаклида ёзилади. t -даврда даромаднинг sY кисми жамгарилади, демак $(I-s)Y$, кисми истеъмол килинади. Яъни, $Y_i = C_i + I_i + G_i + NX_i$; $Y_i = (I-s)Y_i + I_i + G_i + NX_i$. Соддлаштириш мақсадида G_t моделдан олиб ташланди

$$I_t = \Delta K_t = sY_t - NX_t = sY_t - eY_t = (s - e)Y_t,$$

бу ерда: $\Delta K_t = \frac{\partial K_t}{\partial t}$, t -даврда капиталнинг жамгарилиши. Охирги тенглик

инвестицияларнинг ўзгариши инсоний ва физик капитал ҳамда жамгарма ташки савдога боғликлигини кўрсатади. NX моделдан четлаштирилмади, чунки Ўзбекистон ташки савдоси ташки билимларни республикага олиб кириш манбай ва у билимларни тўплаш, кўпайтириш ва инсон капиталини кенгайтириш омилидир. Узок муддатда соф капитал оқими миллий даромаднинг бир бўлаги деб каралади. Осонлаштириш учун моделда физик (k) ва инсон (h) капиталининг амортизацияси, эскириши нолга тенг деб қабул қиласиз.

Ишлаб чиқариш сектори:

$$Y = AK^{\alpha} L^{1-\alpha},$$

бу ерда A -технологик ўсиш, K ва L ўз навбатида капитал ва иш кучи омилидир. α ва $1-\alpha$ ўз навбатида капитал ва иш кучининг маҳсулот ўсишига таъсирини кўрсатади.

Фундаментал янги иктисодий ўсиш назариясига таянган ҳолда Ўзбекистон учун билимларга асосланган ўсиш модели куйидагича ёзилади:

$$Y_t = F(K_t, L_t, \text{билимлар}),$$

бу ерда K ва L – ўз навбатида капитал ва иш кучи миқдорини ифодалайди. Модел классик моделдан куйидаги жиҳатлари билан ажralиб туради.

1. Конкрет ифода билан билимлар яратилган бўлиши мумкин ёки 0 га тенг.

2. Билимлардан бошқалар фойдаланишини чеклай олмаслик.

3. Билимлардан бошқалар фойдаланганда камайиб қолмайди, чунки у ижтимоий товар.

Билимларнинг фойдаланиши жараёнида камайиб қолмаслик хислати, самарадорлик даражасининг ўсиб бориши тенденциясини англатади. Демак, мамлакатнинг иктисодий ўсиш суръати чекланмаган. Аммо, ҳакикатда билимларни барпо килиш имконияти чекланган. Мамлакатнинг иктисодий ўсиш моделини шакллантиришда қуйидагича ёндашув кабул килинган.

Иктисодиёт иккита товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва билимлар ишлаб чиқариш секторларидан иборат. Агар f_k капиталнинг билимларни ишлаб чиқаришга кетган кисми, $(I - f_k) K$ – товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга кетган кисми бўлса, иш кучи (L) ва (H) билимлар учун худди шундай кисмларни кўллаш мумкин.

Муалифнинг билимларга асосланган иктисодий ўсиш модели Чжен ва Киеалнинг очик иктисодиёт моделининг кенгайтирилган тури хисобланади. Унда иктисодий ўсиш $y = a'm + b'n$ ($a > 0$) шаклида ёзилиб, ахоли жон бошига ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг узок муддатли ўсиш суръати инсон омилининг ўсиш суръатига тўғри пропорционал равишда боғлик. Кобб-Дугласнинг классик ишлаб чиқариш функциясига кўра, ялпи маҳсулот ва билимлар – патентлар ва ахборот технологияларини кенг кўламда кўллаш асосида билимлар тривожланиши патентлар ихтироси ва кўлланиши хисобидан ўлчанади. Демак, бу борада патентлар шахсларни фан ва таракқиётга инвестиция киритишга унрайди.

Ўзбекистонда билимларга асосланган иктисодиётни шакллантириш ҳакидаги дастлабки тадқиқотлар 2004 йилда иктисодий таракқиётлар маркази томонидан амалга оширилган бўлса, 2011 йилга келиб мамлакатни модернизациялаш ва узок муддатли барқарор иктисодий ўсишни таъминлаш стратегияларини ишлаб чиқишига оид иктисадчиларнинг ҳалкаро Форуми (Тошкент, 2011 йил 2 декабрь) ўтказилди. Дастлабки лойихада билимларнинг мамлакат иктисодий ўсишини таъминлашдаги роли ва республикамизнинг глобаллашув жараёнидаги ракобатбардошлигини таъминлаш масалалари тадқик этилган. Ҳалкаро форумда эса, Ўзбекистоннинг билимларга асосланган иктисодиётга ўтиш жараёнини тезлаштириш ва тадқиқотларни кучайтириш лозимлигидан келиб чиккан холда, иктисодий сиёсат самарадорлигини баҳолаш ва прогнозлашнинг методологик ёндашувлари билан бир каторда иктисодиётни модернизациялаш ва инкиrozдан кейинги ривожланиш истиқболларининг стратегияларини, инсон салоҳияти сифатининг юксалиши ва ижтимоий ривожланишига оид стратегияларини ишлаб чиқиш борасида илмий ёндошувлар илгари сурилди³³. Диссертацияда таклиф этилган моделлар юкоридаги мақсадни амалга оширишга хизмат қиласди.

Жаҳондаги 134 мамлакатнинг ўртача жон бошига ЯИМ \$14345 ва БАИИ 5,16 эканлиги маълум бўлди³⁴. Янги ўсиш назариясига биноан ахоли жон бошига ЯИМ даражаси ($GDPPC_j$) билан БАИИ (K_l) орасидаги боғликлик чизикили логарифм модели қўйидаги кўринишда ифодаланади:

$$\ln(GDPPC_j) = \theta_0 + \theta_0 K_l + e_i. \quad (19)$$

³³ Стратегии модернизации и обеспечения долгосрочного устойчивого экономического роста. – Т.: SMI-ASIA, 2011. – С. 439.

³⁴ Манба: Жаҳон Банки сайти маълумотлари. <http://www.worldbank.info.com>

ТДИУ ахборот технологиялари марказида «*E-views*» стандарт дастуридан фойдаланиб, ахоли жон бошига ЯИМ мамлакатларда билимларга асосланган иктисодиёт индекси билан корреляцион боғликлек күйидаги регрессион тенгламалар оркали тасвирланди:

$$\begin{aligned} \ln(GDPPC_i) &= 6,6447 + 0,4417 KEI_i + u_i \\ R^2 &= 0,84; \quad F = 652,6; \quad DW = 1,96; \end{aligned} \quad (20)$$

$$\begin{aligned} \ln(GDPPC_i) &= 7,1918 + 0,4462 KI_i + e_i \\ R^2 &= 0,86; \quad F = 644; \quad DW = 2,01 \end{aligned} \quad (21)$$

Уумий билимларнинг тўпланиш даражаси иктисодиётда ишлаб чиқарилган билимлар микдорини белгилайди. Юқоридаги моделларда $\ln(GDPPC)$ - KEI ва $\ln(GDPPC)$ - KI регрессия коэффициентлари аҳамиятли, t -тестга бардош беради. Эҳтимоллик даражалари $p-values < 1\%$ хам коникарли. Агар KEI ва KI нолга тенг бўлса, 134 мамлакат учун ўртача ЯИМ даражаси $e^{6,6447} = \$768,69$ ва $e^{6,6447} = \$810,7$ га тенг. Агар KEI бир микдорга ошса, ўртача жон бошига ЯИМ 0,44 микдорга ошади. Бир микдорга KI ошиш хисобидан эса, жон бошига ЯИМнинг ошиши 0,4462 микдорни ташкил этади. Тарькидлаш жоизки, 134 та мамлакатда ахоли жон бошига ЯИМ тебраниши БАИИ ва БИ хисобига ўзгариши 83,17 фоиз ва 83 фоизни ташкил этди. Моделларнинг ноль гипотезаси ва Дарбин-Утсоннинг автокорреляция даражаси бўйича текширишлар хам муваффакиятли ўтди.

Диссертацияда инсон капитали модели бўйича ташки савдо билимларнинг тўпланиши хам кўриб чиқилган. Бунинг учун ишлаб чиқариш сектори таҳлил этилган. Бунда иктисодий рагбатлантириш омили (ИРО) ташки савдо оркали моделда ички билимларнинг тўпланишига олиб келади. Яъни, ахоли жон бошига даромад:

$$g_{n_i}^+ = \chi^+ m + n \frac{\rho_1(1-\alpha-\beta)-\beta}{(1-\alpha)}, \quad (22)$$

бу ерда, $\chi^+ > 0$ маълумотларга асосан регрессия чизиги топилади:

$$\begin{aligned} \ln(GDPPC_i) &= 5,75 + 1,98 \ln(KI_i) + 0,22 n_i + u_i \\ R^2 &= 0,8289, \quad F = 650,1; \quad DW = 1,59 \end{aligned} \quad (23)$$

Демак, моделга биноан инсон капиталини 1 фоизга оширсан ахоли жон бошига даромад 1,98 фоизга ошади. Моделдаги барча коэффициентларнинг статистик жиҳатдан каноатлилиги тасдиқланди.

Билимлар ишлаб чиқариш секторининг таҳлилидаги Иктисодий ёндошувларга биноан билимларнинг мамлакат ичкарисида (KI) яратилиши ва четдан олиб келиниши (EI) хисобга олинган. Унда билимларни ишлаб чиқиш кўйидаги логарифмик модел оркали тасвирланади:

$$\begin{aligned} \ln(KEI_i) &= 0,082 + 0,77 \ln(KI_i) + 0,18 \ln(EI_i) + v_i \\ R^2 &= 0,993, \quad F = 655; \quad DW = 1,57. \end{aligned} \quad (24)$$

Демак, 2009 йил маълумотларига биноан ҳар бир мамлакат ўртача мамлакат ичкарисидаги ёки ташқаридан олиб келинган билимларни бир фоизга оширса, ўртача мамлакатнинг билимлар тўплами 0,77 ва 0,18 фоизга ошади.

Тадқикот ишида Ўзбекистон Республикаси билимлар иқтисодиёти ўсишининг ҳар бир омилга боғлиқлиги кўриб чиқилган. Бунинг учун республикамизда интеллектуал иқтисодиётни шакллантириш омилларининг 1995-2009 йиллардаги динамикаси таҳдил этилиб, куйидаги логарифмик чизиқли эконометрик модель танлаб олинган:

$$\ln(GDPPC) = 0,236 \ln(EI) + 0,760 \ln(Iinn) + 0,77 \ln(ICI) + 0,099 \ln(Education) \quad (25)$$

Бошқа омиллар ўзгартмаганда агар инновация, АКТ, таълим, ИРО ахоли жон бошига тўғри келадиган даромадга таъсир этмаса мамлакатлар ўртача 502 доллар даромад олар эди. Моделга биноан ИРО бир фоизга оширилса, ахолининг жон бошига даромади 0,23 фоизга, АКТ бир фоизга оширилса ахоли даромади 0,77 фоизга ошади. Детерминация коэффициенти $R^2 = 0,84$ га тенг. Статистик мезонлар (F -мезони ва DW -мезони) киймати моделнинг адекватлигидан далолат беради.

ХУЛОСА

1. Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг ракобатбардошлиги моддий бойликлар ишилаб чиқаришга борган сари камроқ даражада боғлик бўлиб қолмоқда, унинг тараққиёти билимларни ишилаб чиқариш ва кўллаш кўлламлари билан белгиланмоқда. Чунки, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» нинг амалга оширилиши, тармоқларни модернизациялаш, ишилаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, инновация тизимининг тараққий этиши, илмий тадқикот ишилари кўлами кенгайиши иқтисодиётда сифат ўзгаришларга сабаб бўлмоқда.

Замонавий иқтисодий ривожланиш сифати катор ижтимоий-иктисодий ва институционал шарт-шароитлар: сиёсий ва иқтисодий баркарорлик, ўртача соликлар ва инфляция даражаси, самарали ижтимоий ва бозор институтларини шакллантириш ва конунчиликка тўла риоя қилиниши билан таъминланади. Бундай мухитда ижтимоий йўналтирилган инновацион турдаги иқтисодиёт субъектлари узок муддатли иқтисодий ривожланиш стратегиясини амалга оширишга лаёкатли бўлади.

2. Замонавий иқтисодий ривожланишнинг янги сифат босқичини таъминлаш гояси тараққиётнинг интенсив омилларидан фойдаланишида катта аҳамиятга эга. Бу гоя миллий иқтисодиёт ривожланишининг устувор тараққиёт соҳалари ва сифат белгиларини ўрганиш бўйича амалий тадқикот динамикаси прогнозларини белгилашга имкон яратади.

3. Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) инновацияларга асосланган иқтисодиётни шакллантириш учун зарур шарт хисобланади. АКТ ривожланаётган мамлакатлар учун глобал иқтисодиётга жадал интеграциялашиш учун имкон яратса, ривожланган мамлакатлар учун интеллектуал иқтисодиёт ихтисослашувини чукурлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва барқарор ўсишга эришиш имконини беради. Негаки, интеллектуал капитал хеч қандай человесиз кўпайдиган капитал хисобланаби, чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш даражасини оширади. Европа мамлакатлари тажрибаси билимлар иқтисодий ўзгариш ва ўсишда асосий кучга айланishi мумкинligини кўрсатди. Билимлар ҳар бир мамлакатда иқтисодий ва ижтимоий

ривожланишни жадаллаштиради. Бунда миграция, саёчат, савдо, хорижий инвестициялар ва коммуникациялар каби глобаллашув омиллари ахборотни чексиз тарқатиш ва ундан фойдаланишни тезлаштиради.

4. Тадқикот натижаларига кўра, бозорни бошқариш ва тадқик этишда билимларни жорий этиш услубларини ишлаб чиқишига талаб ортмоқда. «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг фаровонлигини ошириш стратегияси» да «билимлар иқтисодиёти» ни шакллантириш, жумладан, «ишлаб чиқариш ва билимларни сотиш»га сайдида кайта қуриш учун инсон капиталига инвестицияларни кўпайтириш зарурлиги кайд этилган. Чунки, бундай маҳсулотларни жаҳон бозорида янги технологиялар, янги ускуналар кўринишида тақдим этиш ортиб бормоқда. Иқтисодиётни «ишлаб чиқариш ва билимларни сотиш» максадида кайта қуриш учун бу билимларни ишлаб чиқишига қодир юкори малакали ходимларни тайёрлаш борасида кўшимча сайдиҳаракатларни ишга солиш, жумладан, олий, аввало, муҳандис-техник маълумотига эга меҳнатга лаёкатли аҳоли сонини кўпайтириш зарур. Бу борада мутахассислар янги технологияларни нафакат ўзлаштириш ва такомиллаштира оладиган, балки бугунги кунда номаълум истикబолларни олдиндан пайқаб оладиган даражада бўлиши лозим. Шу билан бирга ишлаб чиқариш, илмий, тажриба ва лойиҳа фаолиятини биргалиқда таҳжил этиш талаб этилади. Ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлиқ илмий-амалий кўнкимлари бўлган мутахассисларнинг янги технологияларни ўзлаштириш имкониятлари катта.

5. Билимлар иқтисодиёти бевосита ахборот ва билимларни ишлаб чиқиши, таксимлаш ҳамда улардан фойдаланишга асосланган. Бу, билимлардан ишлаб чиқариш ва хизмат фаолиятида кенг фойдаланишни кўзда тутади. Билимлар иқтисодиёти глобал ва ўзгарувчан хусусиятга эга бўлиб, унда билимлар товарга айланади, ушбу иқтисодиёт ресурслари ортиқалиги туфайли уларнинг тақчиллиги намоён бўлади. Ҳар бир фаолият билимларнинг бир кисми хисобланади ва шу боис ҳам ишлаб чиқариш фаолияти учун маҳсус кўнкимларга эга бўлиш даркор.

6. Тадқикот натижаларига кўра: иш ўринлари сонига эмас, балки сифатига эътибор каратиш; глобал иқтисодиётда ҳар бир мамлакат ўз ўрнини топиши; бизнесни рағбатлантирувчи омилларни билиш; ишчи кучини шакллантириш учун катта инвестициялар сарфлаш; инновацион тармоқлар инфратузилмаси соҳалари учун катта микдорда инвестициялар йўналтириш; саноатда кластер тармоқларини ташкил этиш; аҳоли фаровонлигини ошириш; мамлакат худудларини ривожлантириш ва муваффакиятга эришишини рағбатлантириш интеллектуал билимларга асосланган иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳисобланади.

7. Бугунги кунда кайта ишлаш саноати ва хизматлар кўрсатишининг илмталаб соҳалари улушига етакчи мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг ярмидан кўпи тўғри келади: айнан ушбу соҳалар ишлаб чиқариш хажми, бандлик, инвестициялар, ташкил савдо айланмасининг юкори ўсиш суръати билан ажralиб туради. Илм-фан ва техника ютуқлари маҳсулот ва хизматлар сифатини яхшилаш, меҳнат ва моддий харажатларни тежаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш

учун асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Буларнинг барчаси, пировард натижада, корхоналар ва улар ишлаб чикараётган маҳсулотнинг ички ва жаҳон бозорида ракобатбардошлигини олдиндан аниглаш имконини бермоқда.

8. Интеллектуал фаоллик билимларга асосланган иқтисодиёт шароитида марказий иқтисодий феноменга айланмоқда. Шунинг учун ҳам, интеллектуал фаолликнинг мавжудлиги ёки йўклиги, меҳнат жараёнида уни тақрор ишлаб чикириш хусусиятлари каби омиллар билимларни бошқариш тизимининг асосини ташкил этиши даркор. Ушбу тизим ташкилотни илфор иқтисодий тажриба лабораторияси сифатида фаолият юритадиган ва изланиш ҳамда кашфиётлар жараёнларига бутун жамоани жалб киладиган мустақил равишдаги корпорацияяга айлантиради.

9. Меҳнатни билимларга алмаштириш билан бөглиқ туб ўзгаришларнинг теранлиги шундан иборатки, меҳнат эмас, балки айнан билимлар қиймат манбаига айланади. Қийматнинг меҳнат назарияси «билимлар томонидан яратиладиган қиймат» (*knowledge-value*) назарияси билан алмашинади. Бу назариянинг амал килишини исботлашда эконометрик моделлар тизимини яратиш ва тахлилда кўллаш мухим ўрин тутади.

Билимларга асосланган иқтисодиёт назарияси «ахборот жамияти» нинг дастлабки назариясига бирлашади ва кўпгина қоидалар бўйича унга якин хисобланади. Билимларни яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолият замонавий иқтисодиётнинг мухим хусусиятлари ва ривожланиш суръатларини белгилайди.

10. Инновацияларга ва интеллектуал салоҳиятга асосланган иқтисодиёт шароитида билимлардан ракобатбардош ривожланишнинг асосий «локомотиви» сифатида фойдаланиш талаб этилади. Бундай иқтисодиётда билимлар иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш максадида эгалланади, яратилади, жорий этилади ва самарали кўлланилади; анъанавий иқтисодиётдан билимларга асосланган иқтисодиётга ўтиш таълим, инновациялар, АКТга узоқ муддатли инвестициялар киритишни, шунингдек, ресурсларни самарали жалб килиш ҳамда жойлаштиришни таъминлайдиган тегишли иқтисодий ва институционал шароитларни талаб киласди.

Анъанавий ресурслар ахборот ресурслари билан таккосланганда анъанавий ресурслар, одатда, моддий оқимлар ва захиралар билан ифодаланишини кўрсатса, билимлар ва ахборот учун моддий оқимлар ҳамда захиралар хослигидан далолат беради. Бундан ташкири, билимлардан фойдаланилса, улар оширилса ва етказиб берилса, кўпаяди, аксинча, фойдаланилмаса, камаяди ҳамда ўйк бўлади. Шу билан бирга, улар қанчалик кўп ишлатилса, қийматини шунча камайтириб боради ва фойдалилик коэффициенти ҳам тобора ортиб боради, аксинча ишдан чиқадиган асосий жамғармалар бундай хусусиятга эга эмас.

Анъанавий ресурс, одатда, шахсий бойлик, яъни факат битта одам истеъмол киладиган бойликни ифода этади. Ахборот ресурси кўпинча жамоа бойлиги хисобланади ва ундан факат бир киши эмас, балки бошқалар ҳам фойдаланиши мумкин. Бошқача айтганда, билимлар ва ахборотни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Замонавий дунёнинг ушбу мухим хусусияти иқтисодий

назарияни анъанавий тасаввур килиш ва бошқарувнинг классик услубларини янгича тушунишга ҳамда мураккаб таҳлил усулларини кўллашга мажбур этади.

11. Жаҳон ва миллий олий таълим тизимида янги динамик ўзгаришлар юз бермокда. Жумладан, кейинги ўн йилда олий таълим хизматларига бўлган талаб жаҳон миёсида ва шунингдек, Ўзбекистон Республикасида бир ярим баравар кўпайди. 1998 йилда жаҳонда талабалар сони 90 млн. бўлгани холда, 2008 йилда бу ракам 135 млн. нафарга етди. Иктиносий ривожланишда таълимнинг хиссаси, таълим ривожланишининг сон ва сифат кўрсаткичлари ижтимоий-иктиносий тараккиёт билан ўзаро боғлик.

Билимли, малакали тайёргарликка эга бўлган мутахассислар тайёрлашда кучли таълим тизими янги технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги ва ракобатбардошлиги, инвестициявий лаёкатлилиги ва ҳатто миллий иктиносидёт хавфисзилигини ошириш учун асосий омилга айланади. Юқори малакали мутахассисларга эга давлатларга нисбатан, суст ва тўлиқ бўлмаган малакавий тайёргарликка эга ишчи, мухандис ва менежерлар ўз иктиносидётларини ривожлантиришда саноатнинг казиб олиш ва хом ашёни қайта ишлаш, техника йигиши тармокларида паст ёки ўрта технология билан чекланиб қолишади. Шу билан бирга, мунтазам ишчилар малакасини ошириб борувчи, янгиликлар ва мукаммал технологиялар яратувчи олий маълумотли мутахассисларга ҳалқка эга давлатлар ҳар доим илмий маҳсулотлар, юқори технологик хизматлар кўрсатишга иктинослашган трансмилий компанияларни ўзига жалб этади. Ишчи кучидаги сифат ўзгаришларни ўлчаш ва таҳлил этиш ишлаб чиқариш функцияларини тузиш орқали амалга оширилади.

12. Инсон тараккиётини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар ўсишида таълимнинг иктиносидётга таъсири катта эканлиги кузатилмоқда. Янги бир динамик ўзгаришлардан кузатилишича, олий таълим хизматлари ижтимоий товарлар жумласига киритилайтганлиги сабабли хусусий секторнинг олий таълим муассасаларини молиялаштиришдаги роли ҳам ортиб бормокда. Натижада олий таълим муассасалари ҳам айрим мамлакатларда фойда олувчи ташкилотларга айланмоқда. Хусусий - давлат федерацияси негизида янги виртуал университетлар вужудга келмоқда. Бундай ташкилотларнинг ижобий аҳамияти: фукароларга кулаги яратилиши учун жорий ҳуқукий нормативлар доирасида олий таълим хизматларини турли боскичларда таклиф этиш имкониятлари кенгайиши; анъанавий таълим тизимларининг ракобат ва инновацион дастурларига таянган дастурлар ва ўқитишнинг янги усуллари жорий этилиши; олий таълимнинг ракобатбардошлик даражасини оширишга кўмаклашиш; илмий таълимни молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш; ривожланаётган мамлакатлар томонидан мавкеи юқори бўлган университетлар тажрибасидан фойдаланиш имкониятларининг кенгайиши билан ифодаланади.

Аммо, олий таълим муассасаларининг фойда кўриб ишловчи ташкилотларга айланшишининг салбий жихатлари ҳам мавжуд. Хусусун, баъзи таълим муассасалари давлат томонидан тартиблаштирилмаганлиги туфайли, таълим стандартлари талаблари бажарилмаслиги мумкин ёки мавкеи юқори университетларнинг бошқа мамлакатлар филиалларида ташкил этган дастур-

ларининг сифат даражаси асл дастурлар сифатидан паст бўлиш хавфи мавжуд. Лекин буларга карамасдан, олий таълимда хусусий секторнинг ривожланиши ижобий роль ўйнаб, барча мамлакатларда кўзланган максадга эришишга хизмат килади.

13. Олий таълим хизматларининг товар тусини олиши ва бозорга йўналтирилганлиги жорий амалиётни тубдан қайта кўриб чиқишни, таълим муассасаларининг мавкеини менежмент, иш жойлари ва таълим дастурларини такомиллаштириш орқали оширишни талаб килади.

Билимларнинг товар тусини олиши замонавий университетларни бозорнинг тўлақонли иштирокчиларига айлантиради. Ҳакикий интеллектуал салоҳият хисобига эришиладиган нафлийлик ва иқтисодий самара бозор қоидалари билан алмашинмоқда. Яъни, илмий тадқикот янги маҳсулот яратиш, зарур ва янгидан ишчилар малакасини оширишга хизмат килмаса, вакт беҳудага сарфланганлигини англатади. Бошқарувчilar вазифаси доирасида «асосий таяинч бизнес» га ғамхўрлик килиниши ҳамда «иккинчи даражали» фаoliyatiлар кисқартирилиши зарур. Яъни, инвестицион қарорлар қиска муддатли ишлаб чиқариш мақсадларига монанд равища амалга оширилади.

Тарихан, олий таълим муассасалари билим бериш, саклаш, тўплаш ва тарқатиша асосий актёrlик ролини бажаради. Университетлар яратилгандан бўён, улар ахборот бериш ва билимларни талабаларга тарқатиш жойи хисобланади. Замонавий университет ижтимоий билимлар ишлаб чиқаришдан кўра, бозор талаб этганларига эътибор каратади. Бошқача килиб айтганда, билимларнинг товар тусини олиши академик ўқитувчilarни бозорда оз микдорда бўлса-да, талабга мослашган «актёр» ларга айлантиради. Иқтисодий самара олиш хусусияти интеллектуал репутацияга нисбатан устувор аҳамиятга эга бўлади ва ишчи кучи бозорида кучайиб бораётган рақобатга жавоб тариқасида юқори кўшимча қиймат яратишни тақозо этади.

14. Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси учун иқтисодий ривожланишнинг янги, илмталаб ўсишини тасвирлайдиган эконометрик моделлар тизими ишлаб чиқилди. Унга кўра, ягона миллий иқтисодиётнинг макро ва тармок даражаси учун моделлар яратилди ва уларнинг ривожланиш манба ва омиллари кўриб чиқилди. Яъни, макро даражадаги моделларда иқтисодиёт товар ишлаб чиқариш, хизматлар кўrsatiш ва билимлар бойитиладиган секторлардан иборат эканлиги таҳлил этилди.

15. Эконометрик моделлар таҳлиллари шундан далолат бермоқдаки, жаҳон ва миллий аҳолининг жон бошига тўғри келадиган даромади (бошқача килиб айтганда, моддий фаровонлиги) ишчи ва хизматчilarнинг таълим даражасига, билимлар аккумуляциялашувига boglik экан. Жаҳонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар бўйича юқори ўринлардан бирини эгаллаган Даниянинг билимлар иқтисодиёти индекси $KEI=9,52$ ни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси учун бу кўrsatkiчlar тегишлича 2200 доллар ва $KEI=3,25$.

16. Иқтисодий ўсишнинг янги моделлари Ўзбекистон Республикаси ривожланишидаги асосий омиллар ва манбаларни аниқлашга ёрдам берди. Тадқикот натижаларига кўра, билимлар иқтисодиёти индекси (KEI) ва

билимлар даражаси бир фоизга ошганда, ишлаб чикилган моделга биноан бошка омиллар ўзгартмаган ҳолда ахоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМнинг 29 АҚШ долларига (1.31%) ва 13 АҚШ доллари (0.56%)га ошиши кутилади.

17. Мамлакат иқтисодий ўсишининг максад, омиллари ва манбаларидан келиб чиккан ҳолда ишлаб чикилган эконометрик хисоб-китобларга кўра, иқтисодий ўсишининг йиллик юкори сифат микдори етти фоиз атрофида бўлиши талаб этилади. Бу кўрсаткич ахолининг моддий фаровонлигини муттасил ошириш, миллий иқтисодиётнинг жорий ва истикболдаги вазифаларини ечишга, ЯИМда жамғарма ва истеъмол улуши оптимал даражада бўлишига хизмат киласди. Шундан келиб чиккан ҳолда билимлар иқтисодиётини барпо этишининг устувор жиҳатлари белгиланади.

18. Тадқикот натижаларининг эконометрик сонли ва сифат таҳлилига кўра, биринчи навбатда АҚТ, компьютерлаштириш, Интернет тизимини қўллашни жадал тарзда кенгайтириш лозим. Иккинчи устувор вазифа – иқтисодиётда инновациялар тизимини кенг кўламда қўллаш ҳисобланади. Бу хуоса «Ўзқимёсаноат» ОАЖ корхоналари учун яратилган моделлар таҳлилларида яккот ўз ифодасини топди. Учинчи ўринда – иқтисодий рағбатлантириш омилларини ривожлантириш ва бизнес муҳитини янада яхшилаш талаб этилади. Тўртинчи ўринда – таълим тизимини янада тарақкий этириш лозим.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

Монографиялар ва илмий журналларда чоп этилган мақолалар

1. Каюмова Н.О. Проблемы формирования экономики знаний в Узбекистане: теория, методология и зарубежный опыт. Монография. – Т.: Фан, 2009.– 124 с.
2. Каюмова Н.О. Ўзбекистонда иқтисодий ривожланиш янги сифат боскичи жараёнларининг эконометрик тадқикоти. Монография. – Т.: Фан, 2009. – 139 б.
3. Каюмова Н.О. How Exchange Rate Volatility Affects On the Main Export Goods of Uzbekistan?. // European journal of Business and Economy. – Прага, 2012. -№ 5. – Б. 14-22.
4. Каюмова Н.О. Миллий иқтисодиётда сифат ўзгаришлари динамикаси. // Иқтисодиёт ва таълим, – Тошкент, 2011.- № 5. – Б. 42-44.
5. Каюмова Н.О. The New Knowledge-based economic growth model for developing countries. // MARATHON. – Прага, 2010. - № 4. – Б. 20/40-27/40.
6. Каюмова Н.О. Constructing the new growth model for Uzbekistan's economy. // AVRASYA ETUDLERİ. – Анкара, 2010. - № 37/1. – Б. 7-36.
7. Каюмова Н.О. Иқтисодий фаолиятни интеллектуаллаштириш. // Жамият ва бошкарув. – Тошкент, 2010.- № 1. – Б. 127-128.
8. Каюмова И.О. Билимлар иқтисодиётини шакллантириш – барқарор иқтисодий ўсишининг омили сифатида. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 2010. -№ 1-2. – Б. 66-71.

9. Каюмова Н.О. Solow's exogenous growth model and its application in Uzbekistan's economy. // Иктисолидиёт ва таълим. – Тошкент, 2010. - № 6. – Б. 131-134.
10. Каюмова Н.О. Фермер хўжаликларига янги билимлар ва инновацион технологиялар. // Ўзбекистон кишлок хўжалиги. – Тошкент, 2010. - № 1. – Б. 31.
11. Каюмова И.О. Эконометрик моделлаштириш. // Ўзбекистон кишлок хўжалиги. – Тошкент, 2010. - № 4. – Б. 41.
12. Каюмова И.О. Инсоннинг интеллектуал имкониятлари. // Ўзбекистон кишлок хўжалиги. – Тошкент, 2010. - № 6. – Б. 41.
13. Каюмова И.О. Таълим илохотлари – ижтимоий-иктисодий тарракиёт омили. // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2009. - № 11(150). – Б. 49-51.
14. Каюмова Н.О. Истебдодли ёшларни тарбиялашда олий ўкув юртларининг роли. // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. – Тошкент, 2009. - №3. – Б. 160-163.
15. Каюмова Н.О. Межгосударственные сравнения экономики знаний. По пути формирования экономики знаний в странах Средней Азии. // Экономика и финансы. – Москва, 2008. - № 14. – С. 41-46.
16. Каюмова Н.О. Инсон капиталига йўналтирилган инвестициялар. // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2009. - № 4. – Б. 115-116.
17. Каюмова Н.О. Хорижий инвестициялар ахбороти. // Ўзбекистон кишлок хўжалиги. – Тошкент, 2009. - № 3. –Б. 24-25.
18. Каюмова Н.О. Ўрганувчи жамиятларда билим иктисолидёти. // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2009. - № 1. – Б. 99-100.
19. Каюмова Н.О. Современное государственное регулирование социального развития общества. // Экономика и финансы. – Москва, 2009. - № 4. – Б.33 -35.
20. Каюмова Н.О. Билимдан фойдаланиш имкониятлари. // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2009. - №3. – Б. 114-115.
21. Каюмова Н.О. Основной компонент социально-экономического развития страны. // Сельское хозяйство Узбекистана. – Тошкент, 2009. - № 5. – С. 22-23.
22. Каюмова Н.О. Мамлакатимиз интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда олий ўкув юртлари роли. // Тафаккур. – Тошкент, 2009. - № 2. – Б.40-41.
23. Каюмова Н.О. Математические методы как инструмент качественного и количественного анализа в экономике. // Экономика и финансы. – Москва, 2009. - № 7. – С. 69-70.
24. Каюмова Н.О. Педагогик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ислоҳ килишдаги долзарб вазифалар. // Агроилм журнали. – Тошкент, 2009. - № 2 – Б. 90-91.
25. Каюмова Н.О. Проблемы формирования экономики знаний в Узбекистане: теория, методология и международный опыт. // Иктисолид ва таълим. – Тошкент 2009. - № 1. – Б. 162.

26. Каюмова Н.О. Замонавий шароитда билимдан фойдаланиш. // Иктиносид ва таълим. – Тошкент, 2009. - № 3. – Б. 42-43.

27. Каюмова Н.О. Анализ формирования экономики знаний с помощью математических методов. // Экономика и финансы. – Москва, 2009. - № 11. – С. 35-36.

Илмий тўпламларда чоп этилган тезислар

28. Каюмова Н.О. Тенденции развития международных финансовых институтов.–Т.:ТДИУ «Кўшма корхоналар ташкил этишда инвестициялар киритишнинг устувор йўналишлари ва вазифалари» мавзуидаги республика илмий-амалий анжумани тезислар тўплами, 2008. – Б. 72-74.

29. Каюмова Н.О. Хорижий инвесторларни жалб этиш ва уларни ахборот билан таъминлаш ўйллари.–Т.: ТДИУ «Кўшма корхоналарни ташкил этишга инвестициялар киритишнинг устувор йўналишлари ва вазифалари» мавзуидаги республика илмий-амалий анжумани тезислар тўплами, 2008. – Б. 130-132.

30. Каюмова Н.О. По пути формирования экономики знаний в странах Средней Азии.–Т.: ФДУ, ТДИУ, ТХВУ ва Фарғона вилояти кишлок ва сув хўжалиги бошкармаси Сирдарё-Сўҳ хавза бошкармаси «Минтақада ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг иктиносидий механизмини такомиллаштириш» мавзуидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари, 2008. – Б. 17-22.

31. Каюмова Н.О. Теоретические основы формирования интеллектуальной экономики и рациональное использование ресурсов. –Т.: ФДУ, ТДИУ, ТХВУ ва Фарғона вилояти кишлок ва сув хўжалиги бошкармаси Сирдарё-Сўҳ хавза бошкармаси «Минтақада ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг иктиносидий механизмини такомиллаштириш» мавзуидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари, 2008. – С. 7-11.

32. Каюмова Н.О. Международный опыт финансирования образования. –Т.: ТДИУ тезислар тўплами. «Иктиносидий ислоҳатларни чукурлаштириш шароитида иктиносидиёт тармокларини модернизация килиш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш» мавзуидаги ёш олимларнинг илмий-амалий анжумани, 2009. – Б. 252-253.

33. Каюмова Н.О. Компоненты экономики знаний. – Т.: ТДИУ «Аёл ва мустакиллик» илмий-амалий анжуман материаллари, 2009. – С. 236-237.

34. Каюмова Н.О. Экономика знаний как социальный фактор человеческого потенциала. //Двадцать вторые международные плехановские чтения, тезисы докладов. – Т.: 2009. – С. 142-143.

35. Каюмова Н.О. Превращение научных идей и знаний в коммерческий товар. – Т.: ТХВУ «Тадқикотларни баркарор тараккиёт сари йўналтириш» республика илмий-амалий анжумани маърузалар тўплами, 2009.– С. 234-326.

36. Каюмова Н.О. Эркин иктиносидий худудларнинг макроиктиносидиётдаги аҳамияти. –Т.: ТДИУ тезислар тўплами. «Иктиносидий ислоҳатларни чукурлаштириш шароитида иктиносидиёт тармокларини модернизация килиш ва

таркибий ўзгаришларни амалга ошириш» мавзуидаги ёш олимларнинг илмий-амалий анжумани, 2009. – Б. 354-356.

37. Каюмова Н.О. Теоретические основы формирования интеллектуальной экономики в Узбекистане. – Т.: ФДУ, ТДИУ, ТХВУ ва Фаргона вилояти кишлок ва сув хўжалиги бошкармаси Сирдарё-Сўх хавза бошкармаси «Минтакада ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг иктисодий механизмини такомиллаштириш» мавзуидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари, 2009. – С. 253-260.

38. Каюмова Н.О. Ўзбекистонда билимларга асосланган иктисодиётни шакллантириш жараёнини эконометрик тадқикоти. – Т.: ТДИУ тезислар тўплами «Мустакил Ўзбекистон давлат ва жамият курилишида аёлларнинг роли» мавзуидаги илмий-амалий анжумани, 2010. – Б. 74-77.

39. Каюмова Н.О. Превращение знания в общественный товар и вопросы регулирования интеллектуальной собственности. – М.: МГЭИ и ТашФИ «Реализация антикризисной программы – основа дальнейшего развития национальной экономики и повышения её конкурентоспособности» сборник научных трудов, 2010. – С. 324-326.

40. Каюмова Н.О. Таълим ва интеллектуал салоҳият. – Т.: ТДИУ «Мустакиллик йилларида Ўзбекистондаги ислоҳотларда аёлларнинг ўрни ва хиссаси» мавзуидаги республика илмий-амалий анжумани тўплами, 2010. – Б. 125-127.

41. Каюмова Н.О. Роль и место женщин в обществах знаний. – Т.: ТДИУ «Аёл ва Мустакиллик» мавзуидаги республика илмий-амалий анжуманининг тезислар тўплами, 2010. – с. 114-116.

42. Каюмова Н.О. Глобаллашув жараёнида билимларнинг аҳамияти. – Т.: ТДИУ «Глобаллашув шароитида халқаро иктисодиётнинг ривожланиш тенденцияси ва унда Ўзбекистоннинг баркарор ўсиш стратегияси» мавзуидаги республика илмий-амалий анжумани тезислар тўплами, 2011. – Б. 168-170.

Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

43. Каюмова Н.О., Шодиев Т.Ш., Эшназаров А. Иктиносий-математик усууллар ва моделлар. Ўкув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2009. – 164 б.

Иқтисод фанлари доктори илмий даражасига талабгор Каюмова Наргиза Озодовнанинг 08.00.06-«Эконометрика ва статистика» ихтиносслиги бўйича «Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг янги сифат босқичи жараёнларини эконометрик тадқиқоти» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: иқтисодий математик моделлар тизими, эконометрик моделлаштириш, иқтисодий ўсиш, ўсиш сифати, концепция, инновацион ва ракобат-бардош ривожланиш, оптимал қарор, ривожланиш тенденциялари, ишлаб чиқариш самарадорлиги, прогнозлаш.

Тадқиқот обьекти: тадқиқот обьекти сифатида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти, уни интеллектуал иқтисодиёт сари йўналтириш омиллари ва манбалари хисобланади.

Ишнинг мақсади: иқтисодий ривожланишнинг янги сифат даражасини баҳолашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш ва эконометрик тадқиқ этиш оркали миллий иқтисодиётнинг инновацион тараққиётини таъминлашга йўналтирилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараённада тизимли таҳлил, иқтисодий-математик усули, статистик гурӯхлаш, таққослаш, эконометрик моделлаштириш, корреляцион-регрессион таҳлил, иқтисодий индекслар каби усуллардан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: «билимлар» ресурсидан фойдаланишга асосланган иқтисодий фаoliятни интеллектуаллаштириш тенденцияси ва ундан мультиплікатив самара олиниши республикамида замонавий иқтисодий ривожланишнинг умумлаштирувчи белгиси эканлиги асосланди; инновацион эконометрик ёндашув асосида миллий иқтисодиётнинг жорий моделини илмталаб инновацион хўжалик юритиш тизимига ўзгартириш услугияти ишлаб чиқилди; эконометрик моделлар негизида билимлар иқтисодиётини шакллантиришнинг стратегик йўналишлари ва асосий омиллари аникланди; иқтисодиётнинг турли жабҳаларидаги корхоналар иқтисодиётини интеллектуаллаштириш бўйича эришилган даражалар баҳоланди; республикадаги таълим даражаси кўрсаткичларини баҳолашнинг математик-статистик услублари ишлаб чиқилиб, билимлар иқтисодиётини шакллантиришга улар таъсирининг прогноз сценарийси асослаб берилди; иқтисодий ривожланиш даражаси ва сифатини ошириш мақсадида интеллектуал иқтисодиётни инновацион ёндашув асосида бошқаришга доир амалий таклифлар берилди; эконометрик моделлар тизими негизида иқтисодий ўсишнинг сифат устуворликлари белгиланди.

Амалий аҳамияти: асосий натижалардан тармоклар, илмий тадқиқот муассасалари ва жамоат ташкилотларининг бошқарув тузилмаларида иқтисодий ривожланишнинг янги сифат босқичи жараёнлари механизмларини ишлаб чиқиша, шунингдек, барқарор ривожланиш стратегияларини асослашда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: асосий хуросалар ва таклифлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (2011 йил 25 августдаги 2-1/20-2271-сонли далолатномаси) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (2010 йил 10 февралдаги 11/Аш-06-314-сонли далолатномаси), «Ўзпахтамаш» ОАЖ (2010 йил 3 февралдаги 007/100-сонли далолатномаси), «Максам-Чирчик» ОАЖларининг (30-2/98-сонли 2011 йил 21 июндаги далолатномаси) амалий фаoliятида, Тошкент давлат аграр университети «Иқтисодий назария ва ахборот технологиялари асослари» кафедраси ўкув жараённада фойдаланиш учун қабул килинган.

Қўлланиш соҳаси: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, савдо-саноат палатаси тизими, илмий тадқиқот институтлари ва олий ўкув юртлари.

РЕЗЮМЕ

диссертации Каюмовой Наргизы Озодовны на тему: «Эконометрическое исследование процессов качественно нового этапа экономического развития в Узбекистане» на соискание ученой степени доктора экономических наук по специальности 08.00.06 – «Эконометрика и статистика»

Ключевые слова: система экономико-математических моделей, эконометрическое моделирование, экономический рост, качество роста, концепция, инновационное и конкурентоспособное развитие, оптимальное решение, тенденции развития, эффективность производства, прогнозирование.

Объект исследования: экономика Республики Узбекистан, факторы, источники и направления интеллектуальной экономики.

Цель исследования: разработка научных предложений и рекомендаций, направленных на обеспечение инновационного развития национальной экономики с помощью совершенствования теоретико-методологических основ оценки качественно нового уровня экономического развития и эконометрических исследований.

Методы исследования: были использованы такие методы как: системный анализ при исследовании, экономико-математический метод, статистическая группировка, сравнения, эконометрическое моделирование, корреляционно-регрессионный анализ, метод экономических индексов.

Полученные результаты и их новизна: обосновано, что тенденция интеллектуализации экономической деятельности, основанная на использовании ресурса «знания» и извлечение из них мультипликативного эффекта является обобщающим признаком качества современного экономического развития в нашей республике; разработана методика оценки трансформации текущей модели национальной экономики на систему ведения научно востребованного инновационного хозяйства на основе инновационной эконометрии; разработаны математико-статистические методы оценки показателей уровня знаний в республике и обоснованы сценарии прогноза их воздействия на формирование экономики знаний; на основе эконометрических моделей определены стратегические направления и основные факторы формирования экономики знаний в республике; оценён достигнутый уровень по интеллектуализации экономики на предприятиях различных отраслей экономики; разработаны практические предложения по совершенствованию управления интеллектуальной экономикой с целью повышения уровня и качества экономического развития; на основе системы эконометрических моделей определены качественные приоритеты экономического роста.

Практическая значимость: основные результаты диссертации могут быть использованы в структурах управления отраслей, научно-исследовательских институтов и общественных организаций при анализе, синтезе и прогнозе процессов качественно нового этапа экономического развития, а также для обоснования стратегий устойчивого развития.

Степень внедрения и экономическая эффективность: основные выводы и предложения исследования приняты в практику работы Министерства экономики Республики Узбекистан (Акт № 2-1/20-2271 от 25.08.11), Торгово-промышленной палаты Республики Узбекистан (Акт № 11/Аш-06-314 от 10.02.10), ГАО «Узпахтамаш» (Акт № 007/100 от 03.02.10), ГАО «Максам-Чирчик» (Акт № 30-2/98 от 21.06.11) и в учебный процесс кафедры «Экономическая теория и основы информационной технологии» Ташкентского государственного аграрного университета.

Область применения: Министерство экономики Республики Узбекистан и система торгово-промышленной палаты, научно-исследовательские институты, высшие учебные заведения.

RESUME

The thesis of Nargiza Ozodovna Kayumova on the scientific degree competition of the doctor of sciences in 08.00.06 – on specialty «Econometrics and statistics» subject: «**Econometric research of the processes of qualitatively new stage of economic redevelopment in Uzbekistan**»

Key words: system of economic-mathematical models, econometric modelling, economic growth, growth quality, concept, innovative and competitive development, optimal solution, development trends, production efficiency, forecasting.

Subject of research: the economy of the republic of Uzbekistan, its factors and sources leading to intellectual economy.

Purpose of work: development of scientific proposals and recommendations aimed at ensuring of innovative development of the national economy by means of improvement of theoretical and methodological basics of assessment of qualitatively new level of economic redevelopment and econometric researches.

Methods of research: the following methods were used: system analysis for research, economic-mathematical method, statistical grouping, comparisons, econometric modelling, correlation-regression analysis, economic index method.

The results obtained and their novelty: it has been substantiated that the trend of intellectualization of economic activity based on using of the knowledge resource and its multiplication efficiency is a common feature of the quality of current economic development in our Republic; a method has been developed for transformation of effective model of national economy into science-intensive system of innovative economic management on the basis of innovative econometric approaches; strategic directions and basic factors of formation of knowledge economy on the basis of econometric models have been defined; the achieved levels of intellectualization of the economy of enterprises of various sectors have been evaluated; mathematical-statistical methods of evaluation of education level indices in the Republic have been developed and the forecasted scenario of their effect on formation of intellectual economy has been justified; practical proposals have been given for management of intellectual economy on the basis of innovative approach for the purposes of raising the level and quality of economic development; quality priorities of economic growth on the basis of econometric models have been determined.

Practical value: the main results of the dissertation can be used in the management structures of industries, scientific research institutes and social organizations during development of the mechanism of processes of qualitatively new stage of economic development, as well as for substantiation of the strategies of sustainable development.

Degree of embed and economic effectiveness: the main conclusions and proposals of the research are adopted in the practice of work of the Ministry of Economy of the Republic of Uzbekistan (No. 2-1/20-2271 dated 25.08.11), the Chamber of Commerce and Industry of the Republic of Uzbekistan (Report No. 007/100 dated 03.02.10), «Uzpahtamash» State Joint-Stock Company (Report No. 11/Ash-06-314 dated 10.02.10), «Maksam-Chirchik» (Report No. 30-2/98 dated 21.06.11) and in the training process of the Department of Economic theory and basics of information technology of the Tashkent state agrarian university.

Field of application: Ministry of Economy of the Republic of Uzbekistan and the system of Chamber of Commerce and Industry, scientific research institutes, higher education institutions.

Босишга рухсат этилди: 10.03.2012. Шартли босма табоги: 3,00.
Бичими: 84x60¹/₁₆. Адади: 100. Буюртма № 10/03

MCHJ «FAN VA TA'LIM POLIGRAF» босмахонасида чоп этилди.
100170, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси 24-А уй.